



MILLIY TIKLANISH

37 (358) ● 2015 йил 16 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий иқтисодийтимиздан кўзланган асосий мақсад — халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигимизни янада оширишдир

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови 12 мингдан зиёд ЎзМТДП хайрихоҳларини бирлаштирди

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи жорий йилнинг ярмида 10 дан зиёд мансабдор шахснинг ҳисоботини эшитди

МУСТАҚИЛЛИК

24

ЙИЛ



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!

Конунчилик палатасида



Мақсадли ва оқилона сарф-харажат

соҳа ривож, ҳудудлар тараққиёти, иқтисодийтимиз барқарорлигида муҳим ўрин тутати

Давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январь кунин парламент палаталарининг қўшма йиғилишидаги маърузасида палаталар фаолиятига парламент назоратининг замонавий усулларини татбиқ қилиш, жумладан, Давлат бюджетини шакллантириш ва мамлакатимизнинг бу муҳим иқтисодий ҳужжати ижросини назорат қилиш устувор вазифалардан эканини таъкидлаган эди.

> 4-бет.

Давра суҳбати



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

Истиқлол — ҳаётимиз маъно-мазмунини

миллий манфаатимиз асоси ва фаровон турмуш гарови

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган. Утган 24 йил давомида барча соҳадаги янгиланишлар юртимизнинг халқаро майдонда ижобий илмигини шакллантирди, халқимизнинг қадди ва қадрини юксалтирди. Бунинг бугун ҳар бир ватандошимизнинг дунёқарашини кенгайтириб, ўзини англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фахр-ифтихор туйғуси кучайганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда халқимизнинг шаън-шавкатини улуғлаш, гурурига гурур қўиши ва асрий орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган улкан ишлар амалга оширилаётган. Улуғ бобоқалонларимиз номларининг қайта тикланиши, истиқлол туғайли обод этилган муқаддас қадамжолар, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизнинг қадр топиши истиқлолнинг халқимизга берган энг буюк неъматидир.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Миллий кўғирчоқлар

болаларимизни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси



> 2-бет.

Кўҳна, аммо қадриятга айланмаган анъана

ёхуд катта маблағ илинжида мурасаси баҳс



> 7-бет.

Партия лойиҳаси

"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони"

кўрик-танлови иқтидорли хотин-қизларни, истиқболли лойиҳаларни саралади



Мамлакатимизда ҳаётимизнинг гултоғи ҳисобланмиш буюк ва муътабар зот — аёлларга кўрсатилаётган эҳтиром истиқлол йилларида янгича маъно-мазмун касб этди. Аёли эъзозланган юртининг келажакки порлоқ, фарзандлари баркамол, ҳаёти тинч ва фаровон бўлади, деган ҳаётининг ҳақиқат бугун ўзбек аёллари кўлга киритаётган ютуқлар мисолида, улар тарбиялаётган фарзандлар камолида ўз исботини топаётган.

> 3-бет.

Мансабдор шахс — ҳисобдор

Ота-она учун фарзанд камоли, унинг бахтини кўришдан улуғ орзу бўлмаса керак. Халқимиз ушбу эзгу ният билан яшайди, шунга интилади ва бунинг учун бутун борлигини беришга тайёр. Бола-жонларнинг илк тасаввурлари шаклланишида эса мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Шу боис улар фаолиятини яхшилаш, ҳар томонлама ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли ва доно бўлсин

халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи халқ таълими мутасаддиларининг ҳисоботини эшитди

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ислох қилиш борасида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари асосида таълим тизимининг тамомила янги, миллий модели яратилгани мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Натижада бугунги боғчалар аввалгиларидан фарқли равишда янги талаблар асосида ишлайдиган, барча қулайликка эга илм ва тарбия масканларига айланди.

> 4-бет.

Миллий тимсоллар тарғиботчиси

"Ўзбек рассомларининг ҳам бойлиги, ҳам омади уларнинг Ўзбекистонда туғилганида"



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158





Истиқлол — ҳаётимиз маъно-мазмун

миллий манфаатимиз асоси ва фаровон турмуш гарови

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча гурурлансак арзийди. Зотан, халқ маънавиятининг эъзоз топиши, юксалиши Ватан тараққиётининг энг муҳим шартидир.

“ЎЗБЕК МОДЕЛИ” — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табригининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган “Мустақиллик — ҳаётимиз маъно-мазмун, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмуш гарови” мавзусидаги давра суҳбатда истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз яна бир бор эътироф этилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, тарихчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Давлатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий муаммолар гирдобига қолганини кўпчилигимиз яхши эслаймиз, — деди тадбирда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Давлатимиз раҳбарининг ҳар томонлама чуккур ўйланган, ҳажон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширган ижтимоий-иқтисодий сиёсати — тараққиётимизнинг “Ўзбек модели” халқимизни мустақилликнинг илк йилларидаги қийинчиликлардан, моддий ва маънавий бўҳронлардан эсон-омон, беталофат олиб ўтди. Ана шундай кенг қўламада олиб борилган ислохотлар натижалари бугун барча соҳаларда эришилаётган бетимсол ютуқларимизда намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда “Ўзбек модели” дунё давлатлари учун барқарор ривожланишнинг андозаси сифатида ўрганилмоқда.

Жаҳон мексисда глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамаддан, санокли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги ўн йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келаётгани ривожланган давлатларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Мамлакатимиз жадал ривожланаётгани, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани шахару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига мос, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уйлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда.

Иқтисодий ўсиш саноят тармоқларининг ривожланишига бевоқифа боғлиқ. Истиқлол йилларида юртимизда саноятнинг бутунлай янги — газ-кимё, автомобилсозлик, замонавий техникаларни ишлаб чиқариш соҳалари ўзлаштирилди. Автомобилсозлик йўналишида эришган ютуқларимиз мамлакатимиз санатои салохияти ва доврўғини дунёга ёйди. Андижон, Самарканд ва Хоразмда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам миқозлар ишончини оқлаётди. Бугун Ўзбекистон дунёдаги автомобил ишлаб чиқараётган 28 мамлакатдан бирига айланди. Бу халқимизнинг 24 йил ичида эришган муваффақиятлари, мамлакатимиз иқтисодий имкониятларининг амалий ифодасидир. Миллий иқтисодиётимизда юз бер-

ган бундай ўзгаришлардан асосий мақсад — халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, фаровонлигимизни янада оширишдир. Ўртабшомиз мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаганидек: “Бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуккурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳажон бозориди ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноятимизни диверсификация қилиш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор”.

ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Бундан 24 йил аввал миллий бойлик ҳақида лод-мим дейилмасди. Истиқлол бизга бойликларимиз билан фахрланиш, гурурланиш ўргатди. Бу эса, ўз навбатида, халқимизнинг ўзига ва эртанги кунига бўлган ишончини оширди. “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди” деган ҳақли иқдор ва эзгу гоани рўёбга чиқарди.

— Юртимизнинг бугунги иқтисодий имконияти, салохияти, табиий бойликлари, интеллектуал қуввати дунё давлатлари ҳавасини келтиради, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Аммо бизнинг яна бир катта бойлигимиз борки, уни асраш барчанинг кундалик юмушига айланиши лозим. Президентимиз раҳнамолигида халқимиз қўлга киритган энг буюк ютуқ, шубҳасиз, тинчлик-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор юрдагига ислохотлар кутилган натижага беради. Одамлар ўз ҳаётдан рози бўлиб яшайди. Зотан, тинчлик бўлмаган ерда инсон қадри хас каби бўлишини узоқ-яқиндаги давлатларнинг бугунги ҳаёти мисолида кўриб турибмиз.

Тадбирда таъкидланганидек, дунёнинг нотинч мамлакатларида бўлаётган низолар ва қонли тўқнашуларда минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилаётди. Одамлар таҳлика ва қўрқув ҳисси билан яшайпти. Болалар ҳатто бошлангич таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум. Бундай тўқнашув ва низолар ўша минтақаларда нафақат нотинчлик, балки ривожланиш жараёнларини ҳам орқага суради. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўз табригида ҳаммамизни мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга даъват этди: “Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокада қўйилмайдиган, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу таъйинларни, айти шундай чуккур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.”

Дарҳақиқат, тинчлик бор жойда ривожланиш бўлади, тараққиёт бўлади, фаровонлик бўлади. Тинчлик ва осойишталик миллий тараққиётимизнинг энг муҳим омилдир. Буни халқаро экспертлар, нуфузли рейтинг компанияларининг таҳлиллари, иқтисодчилар ва сиёсатчилар ҳам рўй-рост тасдиқламоқда. Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми — “World Economic Forum” иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг “Глобал иқтисодий тараққиёт” прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

КЕЛАЖАК — ЁШЛАРИНИКИ

— Иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан аҳолининг маънавий юксалиши, илм-фан, техника ривожланиши ҳамда янги авлоднинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — Ижтимоий соҳа, хусусан, таълимга ажратилаётган маблағ юртимизнинг эртанги кунини, тўқин ва фаровон ҳаётимиз пойдевори ҳамда гаровидир. Бизнинг асосий вазифамиз ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб жисмонан соғлом, маънан етук авлоднинг тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинаётди. Уларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча имконият муҳайё. Таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар ўғил-қизларимизни ўз соҳасини чуккур ўрганишга рағбатлантирмоқда. Натижада халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобакаларида Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграяпти. Бугунги кунда ёшларимиз математика, физика, кимё, биология каби фанлардан юқори нитижаларга эришиб, дунёдаги тенгқурларидан асло кам эмасликларини исботлаётди.

Юнус КАРИМОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Бугунги кунда ёш спортчиларимиз эришаётган ютуқлар билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг футбол, енгил ва оғир атлетика, бокс, шахмат, теннис каби спорт турларида эришаётган ютуқлари ҳар бир ватандошимизнинг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиримоқда. Ёшларимизнинг қитъа ва жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинларидан шода-шода медаллар билан қайтаётгани уларнинг ҳеч қандам қандам қўйётган ёш оилаларга “Қамолот” уларининг топширилаётгани, имтиёзли фойзаларда Ипотека кредитлари берилаётгани уларнинг оёққа туриб олишларига мадад бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон чиндан ҳам бахтли инсонлар мамлакатини эканлигини, мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмунини, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмушимиз гаровига айланганининг яққол далилидир.

Дурдона АБДУРАҲМОНОВА, ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” фаоли:

— Бугун мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлашга умуммиллий ҳаракат сифатида қаралаётди. Биз ёшлар учун ҳар йили 1 миллион янги иш ўрни яратилаётганининг ўзбек фикримизга яққол далил. Бундан ташқари, касб-хунар коллежи битирувчиларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳаётида ўз йўлимизни топишга қўмаклашмоқда. Ёшларни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ, катта ҳаётга эндигина қадам қўётган ёш оилаларга “Қамолот” уларининг топширилаётгани, имтиёзли фойзаларда Ипотека кредитлари берилаётгани уларнинг оёққа туриб олишларига мадад бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон чиндан ҳам бахтли инсонлар мамлакатини эканлигини, мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмунини, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмушимиз гаровига айланганининг яққол далилидир.

Ҳасан САЛОМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Фестиваль

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида миллий кўғирчоқлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Хунарманд” уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, дизайнерлар, халқ амалий санъати усталари ва ёшлар иштирок этди.

Фестиваль очилишида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Козим Тожиев юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъаналаримизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор ва бу жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг иш-тироқи хусусида тўхталди.

— Халқ эртаклари, дostonлар қаҳрамонлари қиёфасини ўзиди акс эттирган миллий кўғирчоқлар ўғил-қизларимизни юксак маънавиятли, нозик дидли, кенг фикрли бўлиб вояга етишида муҳим аҳамиятга эга, — деди у ўз сўзида. — Шунингдек, бугунги фестивал ёшларга партияимиз фаолияти, демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида ҳам кенг маълумот олиш имконини беради.

Болалар дунёқарашини шакллантириш, уларнинг онг-шуурига қадриятларимизни, эзгу қасдларни сингдиришда миллий ўйинчоқларнинг ўрни беқиёс. Улар табиий ва маҳаллий хом ашёдан тайёрлангани боис экологик жиҳатдан тоза ва бола учун хавфсиздир. Ота-оналар фарзандлари учун кўғирчоқ ва ўйинчоқлар харид қилаётганида ана шу жиҳатларга ҳам албатта эътибор қаратиши лозим. Бинобарин, кўғирчоқларнинг қандай кўринишга эгаллиги гўдакнинг руҳий оламига жиддий таъсир кўрсатади.

Фестиваль доирасида вилоятдаги хунарманд, расом ва дизайнерлар

Тадбир

Халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги гарови

Истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни юксалтириш, улғу аждодларимизнинг илмий-маърифий, маданий-адабий меросидан ёшларни кенг баҳраманд этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар тарбияси, жамият равақати, анъаналар давомчилигини таъминлаш жараёнида кексаларни эъзозлаш, уларга иззат-иқром, ҳурмат-эътибор кўрсатиш, она Ватанини севиш, вафо ва садоқатли бўлиш каби ҳусусиятлар яққолроқ намоён бўлмоқда.

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари иштирокида давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадида Пискент туманида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда шу ҳақда фикр юритилди.

Мустақиллик — озод юрда яшаш, ўз тақдирининг ўзини белгилаш, келажакнинг ўз қўли билан яратиш демакдир. Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг кадр-кимматини, ўтган давр мобайнида халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларининг моҳияти ва аҳамиятини, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Президентимиз Исрол Каримовнинг байрам табригидаги мақсад-вазифаларнинг маъно-мазмунини аниқлаш ва ҳаётга табиқ этиш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев иштирок этиб, маъруза қилди:

— Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда босиб ўтган тараққиёт йўли, бу йўлда қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизга қандай машаққатлар эвазига эришилганини юртодошларимиз яхши англайди. Шу боис ютуқларимиз асоси бўлган тинчлик ва барқарорликни асраш, доимо оғоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиш бугуннинг муҳим талабидир. Муста-

Миллий кўғирчоқлар

болаларимизни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаси



томонидан тайёрланган миллий кўғирчоқ, либослар, расмлар, кулолчилик буюмлари кўргазмага қўйилди.

Миллий кўғирчоқлар орқали мустақилликни мадҳ этувчи саҳна кўри-нишлари намойиш этилди. Миллий кўғирчоқлар яратилиш тарихига оид уста хунармандларнинг тақдирот кўргазмалари, маҳорат дарслари, ёш дизайнерларнинг миллий либослар коллекцияси ва кўргазмаси ташкил қилинди. Иштирокчиларга, айниқса, мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган “Мустақиллик политраси” мавзусидаги ёш расомлар кўргазмаси, навоийлик моҳир мўйқалам соҳиблари, ижодкор ёшларнинг истиқлол шуқуҳи акс этган ижод намуналари катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят санъаткорлари иштирокидаги гала концерт олдидан фестивал голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда “Энг яхши хунарманд”, “Энг яхши устоз-шоғирд мактаби”, “Энг ёш дизайнер”, “Мустақилликни акс эттирган энг ёш расом”, “Энг яхши мусаввир” номинантлари голибларига партия Навоий вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Илҳомжон РАҲМАТОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши бош мутахассиси:

— Фестиваль ЎзМТДП дастурий мақсад вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вилоятимизда болалар ўйинчоқлари тайёрлаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, келажакимиз эгаларининг миллий кўғирчоқларга бўлган қизиқишини янада оширишга, миллий кўғирчоқ турларини кўпайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, фарзандларимиз дунёқарашини, феъл-атворининг шаклланишида ўйинчоқ ва кўғирчоқлар муҳим ўрин тутди. Бундай қўнимма, аввало, оилда шаклланиши инobatга олинса, анжуманга ота-она, бобо-бувиларнинг ҳам таълиф этилгани айти муддао бўлди, дейиш мумкин.

Назokat КАРИМОВА, хунарманд:

— Кўғирчоқ асашда миллий қаҳрамонларимиз образи ҳамда афсона ва эртаклардаги ижобий тимсолларни яратишга алоҳида эътибор қаратамиз. Бунда халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик қасдларини акс эттиришни бош мақсад қилиб олганмиз. Зеро, ёшларимизни миллий қадриятларимизга акс эттирган энг ёш расом”, “Энг яхши мусаввир” номинантлари голибларига партия Навоий вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўралои ТУРДИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

мизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг неғизидида, аввало, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидеги асраб, ёш авлодларимиз ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир”. Бу эътироф бунёдкор халқимизнинг маънавий жасорати, донишмандлигига, керак бўлган вақтда бир мушт бўлиб бирлаша олишига чуккур ҳурмат ифодасидир.

— Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ўсиш суръатлари, эришилган марралар ва уларнинг омиллари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омиллари ва мезонини борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқарашини, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти юксалганидир, — деди тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Марҳамат Қурбонова. — Ана шундай имкониятлар самарасида ҳозирги ўзбек аёли энди аввалги оддий оила бекаси эмас, балки бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бу, энг аввало, мамлакатимизда аёлларга қаратилаётган юксак эътибор натижасидир. Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда биз аёлларга ҳам юксак ишонч билдиргани, хотин-қизлари эъзоз толган мана шундай юрда яшаётганимиздан яна бир бор гурурланишдир.

Партия фаоллари мазкур тадбирнинг мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилиши аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун юксак маънавий сабоги бўлиб ҳисоб қилишни таъкидлади.

Тадбир якунида Президентимизнинг байрам табригидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши олдида турган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбири

Партия лойиҳаси

“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони”

кўрик-танлови иқтидорли хотин-қизларни, истиқболли лойиҳаларни саралади



< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда янгилаш борасидаги ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хотин-қизларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини институционал ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган юздан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган қонунчилик базаси шакллантирилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда муҳим масалаларни ҳал қилиш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши анъанавий тарзда ўтказиб келаётган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” республика кўрик-танлови ҳам хотин-қизларнинг иқтидор ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизларнинг ташаббусларини

рағбатлантириш ва рўёбга чиқариш, сиёсий етук аёллар ҳисобида партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия электоратининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, қонунчилик борасидаги билимлари, сиёсий онги ва маданиятини янада ошириш мақсадини кўзлаган кўрик-танлов етти йилдан буён юзлаб иқтидор эгаларини кашф этди.

2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳа дастлаб ўз атрофида уч мингдан ортқ иштирокчи ва хайрихоҳларни бирлаштирган бўлса, 2010 йилда бу кўрик-танловга 7 минг нафардан зиёд партия фаоллари ва қўллаб-қувватловчилар жалб қилинди. 2011-2013 йилларда бу кўрсаткич 10 минг, жорий йил эса 12 мингдан зиёдни ташкил этди.

Кўрик-танловнинг бу йилги босқичлари ҳам ҳақиқий донолик ва ташаббускорлик баҳсига айланди. Унинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақиятли иштирок этган қизлар кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этдилар. Кўрик-танловнинг қарийб икки ой давом этган ҳудудий босқичларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб келаётган, йигирма ёшдан ошган, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси бўлган 14 иштирокчи сараланди ва улар республика босқичига йўлланма олди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб “Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остидаги кўрик-танловнинг республика босқичи юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда демократик давлат қурилишнинг муҳим шарт бўлган хотин-қизларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эътироф этиш таъйинли ислохотлар марказига қўйилди. Жамиятда хотин-

қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароит яратилди. Бугунги ўзбек аёли оила бекаси, фарзанд тарбиячиси бўлиш баробарида жамият тараққиётининг барча соҳа ва жараёнларида фаол иштирок этишга интилоқда. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ҳам оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал ва мунис аёлларимиз, куч-ғайратга тўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, юксак ишонч билдиргани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг “ишонаман, барча барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгалласиз”, деган ишончи марнани баланд олиб яшашга интилаётган мустақил юрт ўғил-қизларига қанот бағишлагани шубҳасиз.

Партияимизнинг йирик лойиҳаларидан бўлган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг республика босқичи истиқлолнинг 24 йиллик тантаналари давом этаётган шуқуқли кунларда ўтаётганида ҳам рамзий маъно бор. Энг улғу, энг азиз айёмга бағишлаб ташкил этилган кўрик-танлов партияимиз аъзолари, маслақдошларимиз ва хайрихоҳларимизга муносиб совға бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ўз мазмун-моҳияти ва қамрови билан партия сафидаги хотин-қизларнинг истеъдоди, маҳорати, изланиш ва имкониятларини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган кўрик-танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётганини эътироф

этиш жоиз. Кўрик-танлов иштирокчилари орасида қуйи партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, олимпиадалар, халқ таълими фидойилари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари бор. Бугун ЎзМТДП аъзолари бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, сиёсий етук аёлларни партия ва жамоат ишларида кенг жалб қилиш ҳамда ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсад қилган кўрик-танлов иштирокчиларининг гоёларимиз тарғиботидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, билимларини синовдан ўтказиш, партияимиз ёшлари ва келажаги ҳақида муайян ҳулосага келиш имконияти пайдо бўлади.

Кўрик-танловнинг республика босқичида иштирокчилар сиёсий-ҳуқуқий билимларини, ижодий қобилият ва истеъдодларини намоён этдилар. “Ўзини таништириш маҳорати”, “Партия дастурий мақсадларини тушунириш маҳорати” ҳамда “Сиёсий-ҳуқуқий соҳада савол-жавоб” шартлари бўйича ўз билим ва интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Биринчи шартда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари вакиллари ўз маҳоратини намойиш этган бўлса, партия дастури мақсад-вазифаларини тушунириш маҳорати, сиёсий-ҳуқуқий соҳада савол-жавоб шартлари эса сиёсий-ҳуқуқий билими юксак иштирокчиларни саралашга кўмак берди. “Партия дастурий мақсадларини тушунириш маҳорати” шартларида иштирокчилар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан ўз лойиҳаларини тақдим этдилар, партия мақсад ва гоёларини акс эттириш ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган долзарб тақлиф ва тавсияларини билдирдилар.

Қизгин баҳсларга бой, ўзига хос тарзда ва кўтаринки руҳда ўтган тадбир давомида иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Баҳс-мунозараларнинг якуний ҳулосалари асосида ғолиблар аниқланди. Танловда партиянинг Жиззах вилояти Зарбдор тумани кенгаши етакчи мутахассиси Умрхол Пўлатова биринчи, ЎзМТДП Навоий вилояти Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Дилнавоз Носирова иккинчи, ЎзМТДП фаоли, “Оила ва жамият” газетасининг Бухоро вилояти бўйича муҳбири Маърифат Абдуҳамидова учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга ЎзМТДП Марказий кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбир доирасида танлов иштирокчиларининг хунарамандлик, заргарлик буюмлари ва миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Партия ҳаёти 3

Таассурот ва ҳулосалар

Мархабо ҒАҒУРОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси, ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Истиқлол юртимиз хотин-қизларига ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиш, оила ва жамият ишларида фаоллик кўрсатиши учун кенг имкониятлар эшигини очди. Бугун мунис ва оқила аёллар, билимга чанқоқ иқтидорли қизларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Айниқса, уларнинг сиёсий жараёнларга муносабати тубдан ўзгариши хотин-қизларнинг сиёсий партиялар фаолиятидаги иштирокида яққол намоён бўлмоқда. ЎзМТДП сафидаги хотин-қизлар ҳам жамиятимизни ривожлантириш, иқтисодий ислох қилиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият соҳаларини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида муносиб иштирок этишга интилоқда. Ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш ва янги марралар сари чорлашга қаратилган бугунги кўрик-танлов иштирокчилари ҳам бир-биридан доно ва зукколиги билан ажралиб туради. Шу боис улар орасидан ғолибни аниқлаш осон бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, иштирокчиларнинг барчасини ғолиб дейиш мумкин.



Ҳанифа ЗОКИРОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи:

— Партияимиз сафидаги хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятини янада юксалтириш, улар орасидан доно ва ташаббускорларни кашф этишга қаратилган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танлови мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишини ошириш, партияимиз гоё ва мақсадларига хайрихоҳлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бунини кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдираётган хотин-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганида, бошланғич партия ташкилотлари воситасида энг чекка ҳудудларда истикомат қилаётган партияимиз фаоллари ҳам иштирок этаётганида яққол кўриш мумкин. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП гоёлари кенг тарғиб этилаётгани, ҳатто энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олаётганидан далолат беради. Бу йилги танлов ҳам икки босқич — туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилиб, ғолиблар учинчи — республика босқичида иштирок этди. Иштирокчилар орасида нафақат партия вилоят кенгашлари фаоллари, балки қуйи ташкилот етакчилари ҳам борлиги бизни қувонтирди.

Нилуфар ЭРМАТОВА,
кўрик-танлов иштирокчиси, Сирдарё вилояти:

— Кўрик-танловга тайёргарлик қилиш жараёнида иштирокчилар билан бевосита мулоқотда бўлдиқ, ўзаро фикр-мулоҳаза, тажриба алмашдик. Ҳар бир иштирокчининг ўзига бўлган ишончи, билим ва салоҳиятини намоён этишга иштиёқи баландлигини сезиш қийин бўлмайди. Шундай бўлса-да, ғолиб бўлиш умидим йўқ эмас эди. Аммо, танлов ўз номи билан танлов. Ҳали сиёсий-ҳуқуқий, партиявий билимларимни оширишим, ўқиб-ўрганишим ва ўз устимда тинимсиз ишлашим лозимлигини англадим. Асосийси, партияимизнинг доно ва зукко фаоллари билан дўстлик ришталарини боғладик. Бугун ўрганганларимиз ЎзМТДП гоё ва мақсадларини аҳоли орасида янада кенгроқ тарғиб этишимизда қўл келиши шубҳасиз.



Сўз — ғолиб ва совриндорларга

Умрхол ПЎЛАТОВА,
“Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби, Жиззах вилояти:

— Юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги тобора ошиб бораётганини давлат ва жамият ҳаётининг барча бўғинида яққол кузатиш мумкин. Юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини янада оширишда фаол иштирок этаётган партияимизнинг ушбу лойиҳасида муносиб қатнашиб, ғолибликни мақсад қилган бўлсам-да, юрагимда бироз ҳадик ҳам бор эди. Чунки иштирокчиларнинг ҳар бири доно, зукко ва иқтидорли. Тақлиф этаётган гоёлари, тақдим этаётган лойиҳалари долзарб. Очигини айтсам, танловнинг дастлабки шартидан сўнг дугоналаримнинг маҳорати ва ижодий қобилияти кенглигига амин бўлдим. Сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишим, ЎзМТДП ҳаётидаги иштироким ва партия тизимидаги қўсқа фаолиятим кейинги шартларни аъло даражада бажаришимда айна муддао бўлди. Мазкур танлов келажақдаги орзуларим рўёбда муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.

Дилнавоз НОСИРОВА,
иккинчи ўрин соҳибаси, Навоий вилояти:

— Бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ортиб, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётди. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Мақсади мақсадимга ҳамоҳанг ЎзМТДП сафида эканимдан фаразланаман. Партия Зарафшон шаҳар кенгаши раиси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат сифатида партияимиз сайловолди Платформасини амалга ошириш, гоёларини кенг тарғиб қилиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ҳисса қўлишни фарзандлик бурчим деб биламан. Айна дамда партиявий билимларим, тажрибам ўз самарасини берганидан қувончим чексиз. Партия дастурий мақсадларини тушунириш шартлари “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДП эътиборида” мавзусидаги лойиҳа билан иштирок этдим. Келгусида бу лойиҳада илгари сурган тақлиф ва тавсияларимни ҳаётга татбиқ этиш, фаолиятимда қўллашга ҳаракат қиламан.

Маърифат АБДУҲАМИДОВА,
учинчи ўрин соҳибаси, Бухоро вилояти:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, оила, жамият ва давлат қурилишидаги ўрни кафолатлангани уларнинг амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этаётганида, қўлга киритаётган ютуқларида яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кўрик-танловда жамият ҳаётига, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга ўз ҳиссасини қўлишига интилаётган фаол хотин-қизлар иштирок этди. ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юксак билим ва малакага эга хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташаббусларини рағбатлантириш, сиёсий етук аёллар ҳисобида партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлашга қаратилган кўрик-танлов ҳар йили янги истеъдод эгаларини кашф этаётди. Танловнинг низоми билан таниша туриб, ўз олдимга мен, албатта, бу лойиҳада ғолиб бўламан, деб мақсад қўйган эдим. Сиёсий-ҳуқуқий билими кенг, фаол фуқаролик позициясига эга қизлар иштирок этган кўрик-танловнинг республика босқичида ғолиблар қаторидан ўрин эгаллаганимдан мамнунман.



Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” муҳбири





Мақсадли ва оқилона сарф-харажат

соҳа ривож, ҳудудлар тараққиёти, иқтисодиётимиз барқарорлигида муҳим ўрин тутadi

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Давлат бюджетининг чорақлик ва йиллик ижроси ҳисоботлари мунтазам эшитиб келинмоқда. Қонунчилик палатасидаги барча қўмита Давлат бюджети ижросига ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда ёндошса, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳи вакиллари эса асосий эътиборни ўз дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалари ҳамда электорат манфаатлари ҳимоясига қаратишга интилади.

Айни пайтда Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида”ги масала қизгин муҳокамадан ўтказилди. ЎзМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши ҳам аynи шу масалага бағишланди.

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Кун тартибидagi масала юзасидан ахборот берган молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий барқарорлик таъминлаб, Давлат бюджети даромадлари ўтган йилга нисбатан юқори кўрсаткичлар билан ижро этилганини қайд этди. Вазирлар Маҳкамасининг 16 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари амалга оширилиши иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш имконини берди.

Хусусан, биринчи ярим йиллик якунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши 8,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5, чакана савдо айланмаси 14,8, пуллик хизматлар ҳажмининг 10,4 фоизга ўсишига эришилди. Таъкидландики, ҳисобот даврида иқтисодиётдаги таркибий ва сифат ўзгаришлар ҳамда ихобий тенденциялар нафақат унинг барқарор ва балансли ривожланишини таъминлади, балки аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига салмоқли туртки бўлди, макроиқтисодий барқарорлиқни янада мустаҳкамлади. Бу эса, ўз навбатида, Давлат бюджетини ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз про-фицит билан ижро этиш имконини берди.

Фракция аъзолари бош молиявий ҳужжат ижросини муҳокама қилар экан, ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, бюджет харажатларининг асосий қисми Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсад-муддаоларига уйғун тарзда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётганини алоҳида эътироф этдилар. Таъкидланганидек, ижтимоий соҳа харажатларининг умумий харажатлардаги улуши биринчи ярим йилликда 59,2 фоизни ташкил этди. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми ёки 57,8 фоизи эса таълим тизимига ажратилган. Жумладан, қатор таълим муассасалари ва талабалар турар жойлари реконструкция қилинди, янги бинолар барпо этилди.

Шунингдек, фракция аъзолари партиянинг дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудлардаги маданий мерос объектларини сақлаш, таъмирлаш ҳамда уларга сайёҳларни жалб этиш масалаларига давлат ва маҳаллий бюджетлар доирасида қай даражада эътибор қаратилаётгани билан қизиқишди. Бу борада Давлат бюджетидан ҳар йили муайян маблағлар ажратилаётгани, аммо унинг самарали ва мақсадли сарфланишида айрим камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Депутатлар турли соҳаларга йўналтирилаётган бюджет маблағларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, молиявий интизомга риоя этилишини тўла таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Биргина маданий мерос объек-тларини асраб-авайлаш, сақлаш, келажак авлод-ларга бус-бутун етказиш борасида ҳали қилиниши лозим ишлар талай. Аммо Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ўринли сарфланмаса, ундан самарали фойдаланилмаса, режадаги ишлар ўўхбат қолаверади. Бу бўйича жойларда сайловчи-лар билан учрашувлар чоғида тўпланган материал-ларни, ўрганиш натижаларини яна бир бор таҳлил қилиб, кейинги йил Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш жараёнида тақдим этиш лозимлиги бо-расида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифалар этиб белгиланган. Фракция аъзолари бу дастурий вазифадан келиб чиққан ҳолда жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан

таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳисоботда тақдим этилган маълумот-ларга кўра, жорий ярим йилликда минг километр масофага сув қувурлари ётқизилиб, фойдала-нишга топширилди. Умуман, аҳолини тоза ичим-лик суви билан таъминлаш масалаларига 191 миллиард сўм ажратилгани маълум қилинди.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари тақ-дим этилган ҳисоботни қўллаб-қувватлаб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мам-лакат бюджетининг ижроси билан боғлиқ қатор таклиф ва тавсияларни илгари сурди.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган ма-сала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сиддик НАМОЗОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлат бюджети маблағларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш соҳалар ривож, ҳудудлар тараққиёти, бутун мамлакатимиз равнақи ва иқти-содиётимиз барқарорлигида муҳим ўрин тутadi. Шундай экан, парламент назорати институтидан самарали фойдаланган ҳолда бюджет ижроси ҳолатини ўрганиб бориш ҳар бир депутат зимма-сига катта масъулият оқлайди.

Фракцияимизнинг бугунги йиғилишида Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллигида-ги ижроси қизгин муҳокама қилиниб, қатор фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Жойларда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонун-чилигига риоя қилишини таъминлаш ва бу соҳа-даги имтиёзлардан унумли фойдаланиш, иқтисо-дий мухитни бозор талаблари даражасида таш-кил этиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ри-вожлантириш бўйича инвестицион фаолиятни фаоллаштириш зарурлиги айтилди. Фракциядош-ларимиз маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муноса-батларни оптималлаштириш масалаларига ало-ҳида эътибор қаратилди.

* * *

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда. Бугун мамлакатимиз-да 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташки-лотлар фаолият кўрсатаётир. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш кон-цепциясига мувофиқ ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, улар-нинг фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2008 йилдан бошлаб ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти инсти-тутларини қўллаб-қувватлашга ҳам Давлат бюд-жети маблағлари ажратилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг давлат бюджетининг жорий ярим йилликдаги ижроси якунларига бағишланган йиғилишида ана шу ма-салаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларига Давлат бюджетидан 4,1 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 54,7 фоиз қўш маблағ ажратилган. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг Устав фаолия-тини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажми жорий йилнинг биринчи ярми-да 19,7 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43,5 фоиз кўпдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-рининг жамиятимиз ҳаётида, аҳолининг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш борасида тутган ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташки-лий, иқтисодий асосларини, моддий-техник база-сини мустаҳкамлаш, вазифа ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш борасида кенг қўламли сайё-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳисо-бот даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини молиялаштиришга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 176,4 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,4 фоиздан зиёд маблағ ажратилди. Бу кўрсаткич фуқаролар йиғинларига қаратилаётган эътибор йилдан йилга ортиб бораётганини англатади.

Қўмита аъзолари муҳокама қилинган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Таъдбир якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарома КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Мансабдор шахс — ҳисобдор

Фарзандларимиз биздан кўра кучли ва доно бўлсин

халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи халқ таълими мутасаддиларининг ҳисоботини эшитди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мақтабгача таълим концепцияси, мақтабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилиб, улар асосида зарур тамойил-лар белгилангани, хусусан, “Болажон” таянч дастури яратилгани фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишида муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳар томонлама соғлом янги авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб била-ди. Ўтган йили партия фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ таълими вазирининг мақтабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир иш-ларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитил-гани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур эши-тувда вазирлиқнинг мақтабгача таълим тизими-ни янада ривожлантириш бўйича фаолиятини чуқур таҳлил қилиш, галдаги долзарб вазифа-ларни белгилаб олишга алоҳида эътибор қара-тилган эди. Мақтабгача таълим тизимини тако-миллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари, мод-дий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уни ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, нодавлат мақтабгача таълим муассасалари тар-моғини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомилга ет-казиш борасида палатанинг тегишли қарори қабул қилинганди. Мана, орандан бир йил вақт ўтди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш, “2015-2020 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича давлат дастури”ни амалга ошириш борасида ҳудудларда муайян ишлар бошлаб юборилган. Ҳўш, бу сайё-ҳара-катларни жонлантириш, соҳага масъул мута-саттди идора вакилларининг фаолиятини кучай-тириш борасида қандай чора-тадбирлар амал-га оширилмоқда?

Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик па-латасидаги партия фракцияси билан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ўтган йили Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасида эшитилган халқ таълими вазири-нинг “Ўзбекистон Республикасида мақтабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳолати ва истиқболлари, уларни педагог кадр-лар билан таъминлаш ҳамда мазкур муассаса-ларнинг моддий-техник базасини мустаҳкам-лаш тўғрисида”ги ахборотидан келиб чиқиб, қабул қилинган қарор ижросини таъминлаш борасида маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳам фаоллик кўрсатишга интилмоқда. Яқинда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи мазкур қарорнинг вилоятдаги ҳолати ва ижроси тўғри-сида вилоят халқ таълими бошқармаси мута-саддиларининг ҳисоботини эшитди.

Айни пайтда Бухоро вилоятида 340 мақта-бгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улар-нинг 330 таси оммавий, 6 таси махсус, 4 таси санатория типидagi муассасалардир. Мазкур боғчаларнинг саксон фоизга яқини замонавий, капитал таъмирдан чиқарилган биноларда фа-лолият юритаётир. Соҳага тегишли ҳуқуқий ҳуж-жатлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуд-даги боғчаларни таъмирлаш, уларнинг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, боғчаларни ўйинчоқ ва кўйричюклар билан таъ-минлашда болаларнинг ёши ва қизиқишлари ҳам инобатга олинмоқда.

Депутат минбари

Назорат-таҳлил фаолияти

миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим омили

Давлатимиз раҳбари 2015 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида пала-талар фаолиятига тўхталар экан, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Янги конституциявий шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжа-лик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунчилик талабларининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни тизимли эшитиб бориш пар-ламентнинг кундалик иши бўлиши лозимли-гини алоҳида қайд этди. Дарҳақиқат, парла-мент назоратини самарали йўлга қўйиш қонун-лар ва қонуности ҳужжатлар ижроси ҳамда соҳалар ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижод-корлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурига кўра, Ахборот ва коммуникация технологияла-ри масалалари қўмитаси жорий йилнинг сен-тябрь ойида “Телекоммуникациялар тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тош-кент вилоятида ижро этилиши ҳолатини ўрга-ниши белгиланган. Айни кунларда қўмитамиз-да тузилган ишчи гуруҳи ҳар иккала ҳудудда бўлиб, мазкур қонун ижросини ўрганди.

Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент

Мақтабгача таълим муассасаларида уч минг-дан зиёд педагог ходимлар фаолият юритмоқ-да. Уларни ҳар 3-5 йилда мақтабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув-методи-ка маркази ҳамда вилоят малака ошириш ин-ститутида ўқитиш йўлга қўйилган. Педагоглар-нинг касбий салоҳиятини юксалтириш, мақтаб-гача таълим муассасаларидаги илгор амалий тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш мақ-садида турли мавзуларда мунтазам равишда семинар-тренинглар, кўрғазмалар, конферен-циялар ташкил қилинмоқда.

Эшитувда депутатлар қарорда белгиланган мақтабгача таълим муассасаларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини самарали амалга ошириш, МТМда чет тилларни ўқитиш, болаларни мусиқа ва санъатга йўналтириш, спорт билан шуғулла-нишлари учун зарур шароитларни яратиш бо-расида вилоятда амалга оширилган ишларга ҳам эътибор қаратди.

Мақтабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланиш, бу борада бола организмнинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобга олиш, улар истеъмол қиладиган таомларнинг сифатли ва етарли калорияда бўлиши таъминланаётир. Хусусан, меъёрга белгиланганидек, 3 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга 1334 ккал, 3-7 ёшли-ларга 1647 ккалга эга озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда.

Вилоятда болаларни мактаб таълимига тай-ёрлаш сифатини ошириш мақсадида боғчага қамраб олинмаган 5-6 ёшли болаларнинг тўлиқ рўйхати шакллантирилди. Ота-оналарга фар-зандларини мактаб таълимига тайёрлашлари учун “Болажон” дастури асосида илк мартабада, 5 нонда яратилган (нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш, математик тасаввурларни шакллантириш, шеърйи ва насрий тўпламлар, “Соғ танда — соғлом ақл”) қўлланмалар тарқа-тилди. Мақтабгача таълим муассасаларида қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Жорий йилнинг иккинчи чорағида вилоятнинг 11 ҳуду-дида қисқа муддатли 101 тайёрлов гуруҳи таш-кил этилди. Бу эса, ўз навбатида, болажонлар-нинг мактаб таълимини яқши ўзлаштиришла-рига, зукко ва билимдон бўлиб вояга етишла-рига ёрдам беради. Зеро, ёшлικάда олган би-лимо тошга ўйилган нақш қабилидир.

Саид ҲАМРОЕВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Ҳоким, унинг ўринбосарлари ва ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлинмалари раҳ-барларининг ҳисоботларини тинглаш халқ де-путатлари маҳаллий Кенгаш фаолиятининг энг таъсирчан назорат воситаларидан бири сана-лади. Депутатлар ушбу ваколатни амалга оши-риш асносида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари, айниқса, ҳудудларни икти-моий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дас-турининг амалга оширилишини таъминлаш-ди. Шу боис партия гуруҳимиз бу борада фаол иштирок этишга интилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ярмида ўндан зиёд мансабдор шахс-нинг ҳисоботи тинланди, улар асосида тегиш-ли қарорлар қабул қилинди. Бу эса, ўз навба-ти, сайловчи ва электорат манфаатларини таъ-минлашда муҳим омил бўлаётир. Яқинда вило-ят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари-

нинг ҳисоботини тингладик. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида эшитилган халқ таълими вазирининг ахбороти асосида қабул қилинган тегишли қарорнинг вилояти-миздаги ҳолати ва ижроси атрофлича муҳока-ма этилди, бир қатор камчиликлар аниқланди. Эътиборлиси, мутасаддилар эшитувдан сўнг, уларни бартараф этиш мақсадида чора-тад-бирлар режасини ишлаб чиқди. Мазкур режа вилоятимизнинг барча шахар ва туманларига тарқатилиб, уларнинг ижроси бўйича доимий назорат олиб борилмоқда.

Мирзохид ДАМИНОВ,
Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи:

— Бугун юртимизда узлуксиз таълим тизи-мининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратил-ган. Мақтабгача таълим муассасалари фаолия-тини тартибга солиш борасида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур меъёрларнинг ҳудудларда бажарили-шини назорат қилиш жараёнида маҳаллий Кенгаш депутатларининг иштироки муҳим ўрин тутadi, бизни ўз ишимизга янада масъулиятли бўлишга ўндайди. Жумладан, халқ депутатла-ри вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи та-шаббуси билан ташкил этилган гуруҳ йиғили-шида тақдим этган ҳисоботимизда бу борада вилоятимизда олиб борилаётган амалий иш-ларимиз атрофлича муҳокама этилди. Мак-табгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, уларни си-фатли педагог кадрлар билан таъминлаш, қисқа муддатли тайёрлов гуруҳларини ташкил қилиш борасида эришилган ютуқ ва муваффақиятла-римиз билан бир қаторда айрим туманларда болаларни боғчага тўлиқ қамраб олиш бора-сида муайян камчилик ва оқсоқликларга йўл қўйилаётгани ҳам рўй-рост айтилди. Айни пайт-да бу камчиликларни бартараф этиш учун шу ҳудуддан сайланган депутатлар, партия таш-килотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа масъул идоралар билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот иш-ларини бошлаб юбордик.


Рағиза ЖАМОЛОВА,
Норматив туманидаги 27-МТМ мудираси:

— Вилоятимиздаги таълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш, спорт ва бадий йўна-лишдаги тўғрақлар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир-га, 118 боғчада халқумизнинг бой тарихи ва қадриятларини намойиш этувчи маънавият хонаси ташкил қилинган. Жумладан, муассаса-мизда тарих ва ўлкашунослик музейи фаолият юритмоқда. Туманимиз аҳолиси қўш миллатли бўлганлиги учун музейимиздан нафақат ўзбек, балки корейс, рус, қозоқ, қирғиз каби бошқа миллатларга хос бўюмлар, урф-одатлар акс эттирилган расмлар, кўргазмалар воситалар ўрин олган. Табиатшунослик бўлимида ҳудудимиз табиятини намоён этган турли ўсимликлар, гул ва гиёҳлар, гербарийлар мавжуд. Бу болажон-ларимизнинг қандай бой табиий ресурслар диёрида, эзгу анъаналарга эга оилда, бугуни-миз кечагидан берад, эртанимиз бугунимиздан-да фаровон мамлакатда яшаётганларни мит-ти тасаввурлари билан англашга ёрдам бе-ради. Табиатга, она юртва меҳр, вақти келиб улар ҳам шу азиз Ватан равнақи учун фидойи бўлиб, уни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш яшашга ундаши шубҳасиз.

Умида УЗОҚОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

лан киритилган эди. Бу ЎзМТДП фракцияси-нинг партия дастурий вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳаракати ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демок-ратик партиясининг сайловолди Платформа-сида аҳоли, айниқса, қишлоқ жойлардаги фу-қароларнинг юқори даражада ахборотга эга бўлишини таъминлаш, ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий миллий ахборот-коммуникация соҳасини ри-вожлантириш, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларига ахборот-коммуникация техно-логияларини жорий этишга кўмаклашиш асо-сий вазифалардан бири сифатида белгилан-ган. Шунингдек, миллий телерадио дастурла-рини бутун телекоммуникация маконларида, энг аввало, мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларида ишончли қабул қиладиган ҳудуд-ларни кенгайтиришга кўмаклашиш партия-нинг ахборот соҳасидаги устувор мақсадла-ридан ҳисобланади.

Фракциямиз аъзолари ушбу дастурий мақ-сад-вазифалар ҳамда партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, миллий ахро-бот-коммуникация тизимларини такомиллаш-тириш, чекка қишлоқларга ҳам оптик толали телекоммуникация тармоқларини ҳамда ра-камли телевидениени етказиш, соҳага оид қонунчиликни миллий манфаатларимизга монанд равишда такомиллаштириш ишла-рида фаол иштирок этмоқда. Назорат-таҳ-лил ишлари якунлари бўйича Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация техноло-гиялари масалалари қўмитасининг йиғили-шини ўтказиш ҳамда таҳлил натижаларини соҳа вакиллари, экспертлар, олимлар ва му-тахассислар иштирокида муҳокама қилиш режалаштирилган.



Шухрат ТЎХТАБОВЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Китоб — мангу ҳамроҳ



ўқишга мурғаклигидан эътибор қаратиш муҳим. Шу боис мактаби-мизда синф раҳбарлари билан ота-оналар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

— Болалигимда отам менга “Ўзбек халқ эртаклари” китобини совға қилгани кечагидек эсимда, — дейди ушбу мактаб директори Дилфуза Шерматова. — Китоб болага чинакам қувонч ҳада этидиган мўъжиза эканини ўшанда англаганман. Эртакларни мижжа қилмай, мириқиб ўқиб чиқиб, ўйку олдидан уни ёстигим остига қўярдим. Эртак қаҳрамонлари тушларимга кириб чикарди.

Яқинда китоб дўконларидан бирига кирдим. Турли ёш ва савиядаги рангин муқовали ранг-баранг адабиётлар шу қадар кўп ва хилма-хилки, кўриб дилинг яйрайди.

Китобхонлар кўша-кўша китоб олаётганини кўриб бир томондан хурсанд бўлган бўлсам, иккинчи томондан айрим китобхонларнинг ўқийётган ёки танлаётган китоблари-га кўзим тушиб ҳафсалам пир бўлди. Беихтиёр бугун кўпроқ қандай китоблар мутулаа қилинмоқда, деган савол пайдо бўлди. Ёш нуқтаи назаридан олиб кўрилса, катта ёшдагилар мумтоз асарларни ўқиши бор гап. Лекин ёшларнинг аксар қисми “енгил ҳазм бўладиган асарлар” шайдоси. Мисол учун, “Миллионер бўлгунча ўн қадам”, “Бахтли бўлишнинг ўн бешта сири” қабилидаги адабиётларнинг бозори чаққон. Бу эса ёшларимизни танлаб ўқишга ўргатишимиз лозимлигини аниқлатади. Жуда бўлмаганда улар фойдали асарларни саралай олиш лаёқатига эга бўлиши шарт. Зотан, китобларни танлаб, саралаб ўқиш китобхонлик маданиятини белгилочи мезонлардан биридир. Авваллари битта реферат ёзиш учун бир нечта кутубхонага бориб, ўнлаб китобларни титишга тўғри келарди. Асосий вақтимиз китоб излашга сарф бўларди. Ҳозир эса имконият ниҳоятда кенг. Тўғри, ёшларимизнинг кутубхонадан қадами буткул узилгани йўқ. Чунки ҳар қандай даврда ҳам қоғоз кўринишидаги китоблар асл ва ишончли манбадир.

— Кўп ўртоқларим электрон китоблардан фойдаланишни маъқул кўрмоқда, — дейди ўзбек жанг санъати устаси, ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” аъзоси Зарнигор Нуриллаева. — Ўзимнинг ноутбукимда икки юздан ортқ дарслик, илмий ва бадбий китоб бор. Улардан осон ва унмлли фойдалана оламан. Кутубхоналарда навбат кутиб, вақтим зое кетмайди. Аммо баъзи нобб адабиётларни топиш учун барибир кутубхонага боришга тўғри келади. Бадиий асарларни эса электрон

шаклдан кўра қоғоз кўринишидаги нусхаларини ўқиш кўпроқ завқ бағишлайди. Шу сабабли мутахассислар қандай китобни электрон, қандай асарни аънавий китоб кўринишида ўқиш кераклиги бора-сида ўз тақлиф-тавсияларини берса, ёшлар учун фойдадан холи бўлмасди.

Бугунги кунда ўқийётган китобларимизнинг савияси борасида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўришимиз керак. Чунки биз учун дарслик сифатида тавсия қилинаётган айрим китоблар, монография ва қўлланмаларда ҳам тушунарсиз, гализ жумлалар, гоҳида нотўғри маълумотларга дуч келамиз. Бундан ташқари, улар кенг ўқувчилар оммаси учун қизиқарли тарзда ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бинобарин, ҳар қандай китоб инсонга ҳам илм-маърифат, ҳам эстетик завқ бера олиши керак.

— Ҳозирги ўқувчи ёшлар учун электрон китоблардан фойдаланиш одат тусига кирган, — дейди психолог Феруза Алимова. — Уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари-га қизиқиши тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор. Ақс ҳолда асаб чарчайди, кўз эрта хиралашади, жиззакилик ва хаёлпарастлик рўй беради. Нурли экранга меъёридан ортқ тикилиб ўтириш оқибатида нурланиш, ти-нисмиз бош оғриғи, ўйқусизлик ва хотира сусайиши каби касалликлар келиб чиқади.

Шунингдек, соғлиққа зарар деб ёшларимиз учун компьютер ва планшетлардан фойдаланишни буткул чеклаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Уларга фақат бу борада тегишли маслаҳат бериш ва ўз вақтида йўл-йўриқ кўрсатиш лозим. Ёнг муҳими, болани китоб ўқишга мажбурлаш эмас, китобга муҳаббатини ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак. Юқорида таъкидланганидек, болада китобга меҳрининг уйғонишида оила муҳити алоҳида аҳамият касб этади. Ота-она ҳам фарзанди олдида кўпроқ китоб ўқиб, яъни унга китоб-севарлик бобида ибрат-намуна бўлмоғи керак. Болага қайта-қайта таъкид танбехлардан кўра, бир марталиқ амалий ибрат кўпроқ таъсир этади. Шундангина келажак авлодининг ҳам жисмонан, ҳам ақлан етук бўлиб яратган учун мустах-кам замин яратган бўлаеми.

Муҳтасар айтганда, ёшларнинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш учун, энг аввало, мактаб, коллеж, олий ўқув юрти, маҳалла ҳамда нашриётлар билан ҳамкорликда китоб тарғиботи янада кенгайтириш талаб этилади. Бу эса ҳар жиҳатдан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси-нинг дастурий мақсад-вазифалари-га ҳамоханг ва уйғун. Чунки партия сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодин, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон тарихи, маънавий-маданий меросга доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қўмаклашиш партиянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Зеро, китоб — нур, зиё. У инсон-ни эзулгича, меҳр-муруватли бўлишга ундайди. Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур айтганидек: “Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётини ўргатувчи буюк мураббийдир”.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ёшлар бандлиги — устувор масала

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан аҳолига сервис ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, ёшлар учун икки юзга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ўтказилган “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг иштироки” мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбирда мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлانгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Юртимизда 6 миллиондан зиёд касаба уюшма аъзоси бор. Уларнинг яримдан кўпи ёшлардир.

— Жамоа шартномаларининг қарийб 94 фоизида меҳнат шартномаси-ни иш беворчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақатгина Касаба уюшмаси Кенгазининг розилиги билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган, — дейди Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Бу эса битирувчиларнинг ишга жолашиши ҳамда меҳнат жамоаларида кўнимлилигини назоратга олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, Федерацияда ёшлар кенгаши, тармок ва худудий касаба уюшма ташкилотлари қошида ёшлар билан ишлаш тузилмалари ташкил этилган ёшларнинг ўқиш, меҳнат қилиш, уй-жой билан таъминланиши ва бошқа қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қўшимча имтиёз ва шароитлар яратиш, ёш ходимларга фойизсиз ссудалар бериш, уларнинг малакасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Бугун юртимиздаги касб-хунар коллежларида қорхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассисларини бириктириш, биринчи бор ишга кирган битирувчиларга ишга қабул қилиш имтиёзлари, меҳнат шартномасини расмийлаштириш, меҳнат муносабатлари юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш каби масалалар бўйича услубий ва амалий қўмак кўрсатилмоқда.

Матбуот анжуманида бу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди, журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Китоб байрамига марҳамат

17-19 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказида “Болалар китоби” II Республика фестивали ўтказилади. Кеча ана шу тадбирга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Фестиваль Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

“Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!” шиори остида ўтказилаётган фестивалдан қўзланган асосий мақсад — муқтақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик соҳаларида эришилган ютуқ ва марраларимизнинг маъно-моҳиятини ёритиш, болалар адабиётини ривожлантириш, ёш авлодин миллий муқтақиллик гоъялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадиий жиҳатдан етук адабиётлар салмоғини кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат.

— Бугун юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган нашрлардир, — дейди Матбуот ва ахборот агентлиги бош муҳаррири Жасур Ҳусанов. — Мазкур фестивал ҳам ёш авлод тарбиясида китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, ёшларнинг миллий адабиётга бўлган қизиқиши, китобга бўлган ҳурматини, китобхонлик ва мутулаа маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшишга қаратилган. Унда юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа қорхоналари ўз китоблари билан иштирок этади. Тадбир доирасида 200 дан зиёд номдаги янги китоблар тақдими, халқ шиори ва ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва ёш ижодкорлар билан ижодий учрашувлар, мушоиралар ҳамда ношир-матбаачилар билан мулоқотлар ўтказилади. Бундан ташқари, нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўрин эгаллаган китоблар тақдими ҳам ташкил этилади.

Фестиваль доирасида болалар адабиётига ихтисослашган нашриётларда сўнгги йилларда нашр этилган болалар адабиёти, жумладан, мумтоз ва энг сара замонавий адабиётлар, айниқса, ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик лугат ва маълумотномалар намойиши ва эркин савдоси уюштирилди. Республика кўғирчоқ театрининг спектакллари-дан сахна кўринишлари, концерт дастурлари намойиш этилади.

Шунингдек, “Энг яхши ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Менинг биринчи китобим”, “Атроф олам муҳофазаси — саломатлик гарови”, “Мўъжиза эмасдир фалакда офтоб, мўъжиза аслида беминнат китоб”, “Китоб — энг яхши совға” мавзуларида совринли интеллектуал ўйин ва викториналар, “Китоб ўқишни ёқтирасизми?” мавзусида ижтимоий сўровнома ўтказилади.

17 сентябрь кунини “Туркистон” санъат саройида фестивалнинг тантанали очилиш маросимига бағишланган концерт дастури бўлиб ўтади.

Режиссёр фаолияти ҳақида тўплам

Пойтахтимиздаги “Дийдор” театр-студиясида Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев фаолиятига бағишланган мақолалар тўпламининг тақдими ўтказилди.

“Баҳодир Йўлдошев макон ва замонда” тўплами Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари ташаббуси билан санъат арбобининг 70 йиллик юбилейига бағишлаб нашр этилган. Тўрт бўлимли китобдан режиссёрнинг ўзбек театри, драматургияси, актёрлик ва режиссёрлик санъатига қўшган ҳиссаси ҳақидаги мақолалар ўрин олган. Шунингдек, унда сахналаштирган спектакллари таҳлилга бағишланган мақолалар, суҳбатлар, ўзбек театр санъати намойндалари ва санъатшуносларнинг фикр-мулоҳазаларини ўқишингиз мумкин.

Баҳодир Йўлдошев — ўзбек режиссурасида ўз мактабини яратган ижодкор. Айниқса, унинг “Искандар”, “Нодирабегим”, “Келинлар кўзғолони”, “Майсаранинг иши”, “Фармонбоби аразлади”, “Аршин моллон” каби спектакллари сахна воситаларининг бойлиги, тасвир, мусиқа, пластиканинг мураккаб оҳангдошлиги билан яққол ажралиб туради. Бундан ташқари, у сахналаштирган асарлар чет мамлакатларда ҳам муваффақият қозongan. Айниқса, “Келинлар кўзғолони” дунё сахнасини забт эта олган.

У мамлакатимизнинг йирик тадбирлари, байрам тантаналарини сахналаштириб келмоқда. Жумладан, қарийб 20 йилдан бери “Шарқ тароналари” халқаро фестивалининг бош режиссёри сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Мазкур тўплам институтимиз талабалари учун гоъят қимматли ва муҳим қўлланма бўлиши аниқ, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Бахтиёр Сайфуллаев. — Чунки Баҳодир Йўлдошевнинг улкан тажрибаси, унинг ўзига хос ижод йўли ҳар қандай ёш актёр ва режиссёр учун намуна бўла олади. Тўпламдаги таҳлилий мақолалар, режиссёр билан суҳбатлар орқали унинг иш услубини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва иш фаолиятида самарали фойдаланиш мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, китоб фақатгина санъат вақиллари учун эмас, кенг омма, театр санъати мухлислари учун ҳам мўлжалланган. Чунки режиссёрнинг ҳаёт йўли, ижоди, репетиция жараёнлари санъат мухлисларини ҳам бефарқ қолдирмаслиги табиий.

Тадбирда бир қатор санъатшунослар тўпламининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Китобдан ўрин олган айрим мақолалар босма нашрларда бир неча йил олдин чоп этилганига қарамай, хануз ўз долзарблигини йўқотмаган, — дейди санъатшунослик фанлари номзоди Муҳаддас Аҳмаджонова. — Бу эса ёш театршунос, танқидчи ва тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу мақолаларда ўзбек театрининг тарихи, давр ва замон руҳи, қўйилган спектакллар мавзу ва гоъяси ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мумкин.

Тақдимотда “Дийдор” театр-студияси ижрочиларининг бадиий чиқишлари йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

— Китоб дўконига тез-тез келиб турсизми?
— Оилавий китобхонмиз қизим. Китоб фарзандларимнинг жону дили. Шунинг учун ҳар икки-уч ойда шу ерга келиб, янги китоблардан олиб кетаман.

— Узоқда яшайсизми?
— Чиноздан келдим.
— Китоб учун ҳамма вақт ҳам маблаг ажрата оласизми?
— Дарҳақиқат, баъзиларнинг гаши келади, шу пулни китоб олгунча рўзғорга ишлатсангиз ёки жамғарсангиз бўлмайди, деб “ақл” бўлувчилар ҳам бор. Лекин улар бир муҳим нарсани — китобхонлик эртага пул билан қиёслаб бўлмай-диган яхшилик ва эзгуликлар олиб келишини — китобдан ҳикмат излаган бола, аввало, яхши инсон бўлишини, ота-онасига ҳам, юртига ҳам фойда келтиришини, афсуски,

ўйлаб ҳам кўрмайди. Чунки китобдан яхши дўст йўқ.
Амаки эшикни қандай оҳиста очган бўлса, яна шундай ёпиб чиқиб кетди. Ортидан хавас билан қараб қолдик.
Буни кўриб яна бир воқеа ёдимга тушди: болакай ойисининг қўлидан тутиб китоб дўконига бошлаган эди, бироқ онаси унинг раъйига қарамай бозор томон етаклаб кетди...

Бу икки воқеани кузатиб, “болалар китоб ўқимай қўйди” деган гап нечоғли асосли экани ҳақида ўйлаб қолдим. Болаларнинг китобдан совигани чиндан ҳам ростми? Бунга ким айбдор: ота-онами, ижодкорми, адабиёт муаллими ёки кутубхоначи?

...Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 317-ўрта таълим мактаби. Мактаб кутубхоначиси Наргиза Йўлдошева бизни кутубхона фонди ва фаолияти билан таништирди:

— Кутубхонамиз жами 2000 дан зиёд китоб фондига эга. Дарсликлардан ташқари бадиий нашрлар, инглиз ва рус тилидаги адабиётлар ҳамда турли соҳа ва йўналишга оид китоблар мавжуд. Шундан 1640 таси бадиий адабиёт. Мактабимизда 764 ўқувчи таълим олади. Уларнинг 560 нафари кутубхонага аъзо бўлган.

Суҳбатимиз шу жойга келганда мактаб кўнгириғи жиринглаб, ўқувчиларни танаффусга чорлади. Бир зумдан сўнг кутубхона ичи китоб сўраб келган ўқувчилар билан гавжумлашди. Бўй-бастига қараб, уларнинг бошланғич синф ўқувчилари эканлигини илгаш қийин эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуни-кация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан парламент фаолиятида ахборот алмашиш механизмининг самарали усуллари татбиқ этиш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, мутахассислар, журналистлар, фуқаролик жамияти институтлари вақиллари иштирокида ўтган тадбирда парламент фаолиятида ахборот алмашишнинг аҳамияти атроф-лича муҳокама этилди, мавзу юзасидан депутатлар ҳамда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Ахборот алмашишнинг самарали усуллари

парламент фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

Парламент билан экспертлар ва кенг жамоатчилик ўртасида фаол ахборот алмашиш механизмининг ўрнатилиши унинг фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари бунга алоҳида тўхталиб, жумладан, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаётганини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб,

парламент фаолиятида ахборот алмашиш механизми орқали депутатлик корпусларининг фаолияти самарадорлигини ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида депутатлар ва ахборот соҳасининг етакчи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи таҳлилий ва таъкилий ишларни олиб борди. Айниқса, бу борадаги халқаро тажриба, хусусан, Жанубий Корея, АҚШ, Бельгия, Нидерландия, Австрия ва бошқа бир қатор мамла-катлардаги жамоатчилик билан ахборот алмашишдаги замонавий усуллар ўрганилди.

Давра суҳбати иштирокчилари ахборот алмашиш механизмининг такомил-



ЎЗА суратлари.

Миллий ахборот сегментлари

Глобал тармоқда миллий манзиллар

Бугун глобаллашаётган дунёда ахборот технологиялари, айниқса, Интернет кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улғурди. Глобал тармоқ шиддат билан ривожланиб, имкониятлар тобора кенгаймоқда. Ҳар кун виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши унинг ҳажми сония сайин ўсиб бораётганидан далолатдир.

Глобаллашув даврида Интернет тармоғи ижтимоий ҳаётимизнинг барча жаҳасига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, ёшлар янги технологияларга тезда мослашиб бормоқда. Бугун "ўргимчак түри" орқали зарур маълумотларни олиш, дўстлар билан мулоқот қилиш, энг сўнгги янгилклардан хабардор бўлиш, харидни амалга ошириш каби кўплаб жараёнларни бажаришимиз мумкин.

Бугун Интернетда ўз электрон почтасига эга бўлмаган инсон кам. Бундай почта хизмати пайдо бўлган қўл билан мактуб ёзиб жўнатиш инқирозга юз тутди. Энди хатларни бир сонияда дунёнинг нариги четдаги кишига ҳам бемалол етказиш мумкин. Жаҳондаги энг машҳур — Google интернет компаниясига тегишли Gmail, Microsoft компаниясининг Hotmail, Yahoo!, Mail ҳамда Яндекс электрон почталаридан ҳар кун миллионлаб кишилар ҳар дақиқада хат алмашади. Масалан, биргина Gmail электрон почтасидан бир ойда 400 миллионга яқин киши фойдаланиши аниқланган.

Электрон почталар туфайли кишиларнинг мушкуллари осон, узоғи яқин. Аммо шу билан бирга, улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисми Интернет тизимидан фойдаланади. Табиийки, уларнинг аксарияти электрон почтала хизматига тўғри келади. Маълум бўлишича, ўзбекистонликлар энг кўп муурожаат қиладиган — Gmail, Mail ҳамда Rambler электрон почталари орқали ҳар кун юз минглаб хат-хабар алмашилади. Бироқ уларнинг хавфсизлик масаласи тўла таъминланган, деб бўлмайди.

— Бугун кўплаб юртдошларимиз хорижий электрон почтадан фойдаланаётгани ҳеч кимга сир эмас, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланти-

риш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги маркази етакчи мутахассиси Искандар Хусанов. — Бундай электрон почталардан юборилаётган хат, маълумот ва ёзишмалар хориждаги сервер орқали ўз эгасига етказилади. Унинг сириллиги, хавфсизлиги ва тўлиқ етказиб берилишини ҳеч ким кафолатламайди. Шу боис чет элда фойдаланувчиларнинг почталарига бузиб кириш, ундаги маълумотларни ўғирлаш ва ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кўп учрайди.

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларда миллий электрон почталардан кенг фойдаланилмоқда. Чунки мутлақо бепул ва қулай маҳаллий электрон почталар орқали юборилаётган маълумот ва хатлар хавфсизлиги қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Миллий электрон почталардан фойдаланиш электрон почталарни турли хакерлик ҳужумларидан сақлайди, маълумот, хат ва ёзишмаларнинг тезкор ҳамда ишончли етказилишини таъминлайди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, юртимизда хорижий электрон почталарнинг ўрнини боса оладиган маҳаллий ресурслар етарлими? "Ўзбек тилида сўзловчи" электрон почталарнинг қулайлик ва оммавийлиги қай даражада?

— Техника тараққий этган даврда яшашимиз, — дейди Тошкент давлат техника университети 3-босқич талабаси Абдор Баротов. — Илм-фан ютуқларидан фойдаланмаслик, илгор технологияларни ҳаётимизга кенг татбиқ этмаслик ижобий натижаларга олиб келмайди.

Ўқиб жараёнда электрон почталарга тез-тез муурожаат қилишга тўғри келади. Очигини айтганда, ўзим ҳам яқин-яқингача хорижий электрон почталардан фойдаланар эдим. Аммо ҳозирда ўзбек тилида фаолият курсатётган миллий ресурслар ҳам ҳеч

қайси жиҳатдан хорижникидан қолишмайди. Масалан, Россиянинг Rambler электрон почтаси кутиси 2 гигабайт ҳажмга эга бўлса, Umail.uz электрон почтасида бу 10 гигабайтни ташкил этади.

Айтиш жоиз, бугунги кунда аксарият давлат идоралари ва ташкилотлар ўзининг тармоқ электрон почтасига эга. Айни пайтда "UZ" доменидаги — Inbox.uz, Umail.uz, Fmail.uz, Mymail.uz каби электрон почталар хизмат кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг айримлари (масалан, Inbox.uz, Fmail.uz) фақат рус тилида фаолият кўрсатади. Ўзбек тилидаги энг оммабоп электрон почтаси — Umail.uz.

2013 йилнинг 14 май кун иш бошлаган Umail.uz электрон почтаси бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги етакчи электрон почтага айланди. Айни пайтда у 200 мингдан ортиқ фойдаланувчига эга. Бу рақам тобора ортиб бормоқда. Мазкур лойиҳани Uzinfocom компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази мутахассислари ишлаб чиққан. Почта хизмати уч қўришга эга: мобиль, планшет ва кенгайтирилган интерфейс. Кенгайтирилган интерфейсда бир вақтнинг ўзида хатлар рўйхати ва мазмунини кўриш имконияти мавжуд.

— Umail.uz электрон почтаси юртимиздаги бошқа электрон почталардан ўзининг қулайлиги ва оммабоплиги билан ажралиб туради, — дейди Марказ етакчи мутахассиси Зумрад Шожалилова. — Сайт Tas-ix худудида жойлашганлиги туфайли ADSL технологияси ёрдамида қирувчи фойдаланувчиларнинг траффиги сарфланмайди. Бу кўплаб юртдошларимиз учун жуда қўл келмоқда. Шунингдек, ўз электрон почтасининг ўзбек тилида бўлишини истаган фойдаланувчилар учун ҳам бу аниқ муддао. Электрон почтадаги атамалар тахрибали филологлар ёрдамида ўзбекчалаштирилган.

Ўтган йили почта кутиси ҳажми 10 гигабайтгача оширилди. Бу ҳам ҳажм эмас, зеро электрон почтада юзлаб ҳужжатлар жойлашган хатлар, суратлар ва бошқа маълумотларни сақлаш мумкин. Аммо ҳар бир хатнинг ҳажми 20 мегабайтдан ошмаслиги лозим. Шунингдек, почтада турли папкалар

яратиш, хатларни автоматик равишда саралаш, маъкул бўлмаган хатларни четлаштириш имконияти яратилган. Бу хатларнинг жўнатилиши ва қабул қилинишини енгиллаштиради. Жойлаштирилган хатлар учун антивирус ҳимояси ва антиспам филтрлари ҳам эътиборга олинган. Бир йил давомида фойдаланилмаган почталар автоматик тарзда ўчирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу бир марталиқ акция эмас, балки электрон почта хизмати давлат идоралари томонидан яратилган ва мунтазам қўллаб-қувватланади. Uzinfocom маркази ходимлари доимий равишда почта хизмати хавфсизлигини таъминлаб туришади.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллий электрон почталарнинг такомиллашиши ва оммалашishi миллий ахборот сегментларининг янада ривожланиши, глобал тармоқдан самарали ва хавфсиз фойдаланишга хизмат қилади. Миллий ахборот-коммуникация соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади. Зеро, бундай стратегия глобаллашув жараёнларида халқимиз маданиятининг асослари дахлсиз сақланиб қолишини, унинг янада ривожланиши, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари самардорлиги оширилишини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис партия ягона миллий ахборот маконини шакллантириш орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, идоралараро ва идора мажмуаларининг ахборот тизимларини бирлаштирувчи миллий ахборот тизимлари ҳамда миллий ахборот ресурсларини, айниқса, Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, ҳар бири киши Интернетдан фойдаланиш, хусусан, электрон почта орқали маълумот юбориш ёки қабул қилиш жараёнида унинг ҳар жиҳатдан маҳаллий сегментларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, ҳар бири киши Интернетдан фойдаланиш, хусусан, электрон почта орқали маълумот юбориш ёки қабул қилиш жараёнида унинг ҳар жиҳатдан маҳаллий сегментларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, ҳар бири киши Интернетдан фойдаланиш, хусусан, электрон почта орқали маълумот юбориш ёки қабул қилиш жараёнида унинг ҳар жиҳатдан маҳаллий сегментларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

Энг тез ўсадиган дарахт юртимизда кўпайтирилмоқда

Наинки атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, балки ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёт кечиришида дов-дарахтларнинг ўрни беқеъ. Аждодларимизга бошпана, озиқ-овқат манбаи, кийим-кечак ва ҳимоя воситаси сифатида беминнат хизмат қилиб келган бу табиий ресурс бугун қурилиш ва полиграфия маҳсулотини, дори-дармон, косметикани, қўйингки, турмуш тарзимизнинг барча соҳасида хом ашё манбаидир.

Ушбу бебаҳо табиат инъомидан иқтисодиёт тармоқларида унутили фойдаланишда дарахтларнинг янги турларини маданийлаштириш, кўпайтириш, уларнинг хусусиятларини кашф этиш муҳим ўрин тутди. Шаҳар ва қишлоқларимизда бўй қўзиб турган нодир экзотик дарахтлар, ёғоч маҳсулотлари таъминотидаги сифат ўзгаришлари, илм-фан фидойиларининг бу борадаги изланишлари Президентимиз раҳнамолигида инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг амалдаги тасдиғидир.

2012 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг Кембриж университети билан ҳамкорликда ташкил этилган Юқори технологиялар ўқув-таъриб маркази олимлари ишлаб чиққан инновацион лойиҳа мамлакатимизда павловния дарахтининг сунъий уруғларини «in vitro» усулида етиштириш ва кўпайтиришга қаратилган.

— «in vitro» пробиркаларда ўсимликни микроклонлаштириш орқали кўпайтиришда тезкор усул ҳисобланади, — дейди Юқори технологиялар ўқув-таъриб маркази профессори, мазкур инновацион технология муаллифларидан бири Алишер Тўраев. — Табиий шароитдан афзаллиги шундаки, бунда генетик жиҳатдан бир турдаги экин қўчатларини олиш, вируслардан ва бошқа касалликлардан озод қилиш, кўпайтириш коэффициенти чексиз ошириш ва тез ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ташкил этилган таъриб майдонларида бир йилда 7 метргача ўсган павловния дунёда энг тез ўсадиган дарахт сифатида тан олинган. 80 йилгача умр кўрадиган дарахт танасининг диаметри 1 метрга, бўйи 25 метрга етиши мумкин.

Император дарахти, Малика дарахти, Кири, Танг номлари билан машҳур бу дарахтнинг асл ватани Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёдир. Хитой ва Японияда кенг тарқалган бўлиб, Хитойда қарийб 2,5 миллион гектар майдонда ўстирилади. XIX асрда машҳур Хитой чиниларини уммон ортига етказиб бериш чоғида шикаст етмаслиги учун пўкак ўрнида павловния уруғларидан фойдаланилган дарахтнинг АҚШда ҳам оммавийлашувиغا олиб келган.

Дарахт ноёб хусусиятларга эга ёғочи, хушбўй ва ранг-баранг гули ҳамда йирик барглари билан иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларига келтирилган фойдаси боис нефть қудуғига ўхшатилади.

Саноат маҳсулотини сифатида павловния Хитой, Япония, Тайвань, Корея, Шимолий Америка, Бразилия ва Австралияда кўпдан бери қўлланиб келинади. Японияда павловния дарахти ёғочга бўлган талабнинг 90 фоизини таъминлайди. Қўнчқар юрда ундан фанер ва мебель, қўтилар, шунингдек, пойабзал ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Павловния ёғочи тез қурийд, жуда енгил. Қиёслаш учун — эман дарахти ёғочининг бир куб метри ўртача 850 килограмм, қарағайники 482 килограмм ташкил этса, павловнияда бу кўрсаткич кўпи билан 282 килограммга етиши мум-

кин. Мустаҳкамлиги ва узок йиллар фойдаланиш мумкинлиги туфайли павловния ёғочидан шифт, эчиклар, жавон, стол ва стуллар тайёрлашда кенг қўлланилади. Ёғочдаги табиий нақшлар турли қўтилар, сурат ромлари, ёғоч дарпардалар, сандиқларга жозибадорлик ва жим-жимадорлик бахш қилади.

Ёғоч таркибида сув миқдори ва ёғоч хавфининг қамлиги уни автомобильсозлик, самолётсозлик ва кемасозлик сингари йирик саноат тармоқларида истиқболли хом ашёга айлантирмоқда. Хусусан, ҳалқаро амалиётда автомашиналар салоҳияти павловния ёғочидан фойдаланиш афзал бўлилмоқда.

Намликни қийин ўтказганлиги учун ундан асалган маҳсулотлар бошқа ёғочларники сингари шишиб ёки уваланиб кетмайди. Қайишқоқлиги миллий ҳунармандлик намуналаридан бўлган бешиксозлик, турли ўйинчоқлар ишлаб чиқаришда қўл келса, ноёб акустикага эгаллиги мусиқа асбобларини тайёрлашда катта имконият яратади.

Павловния дарахтидан қисқа фурсатда кўп миқдорда биоёқилли олиш мумкинлиги уни муҳим муқобил энергия манбаларидан бирига айлантирмоқда. Маълумотларга кўра, павловния дарахти экилган бир гектар майдондан ҳар уч йилда минг тоннагача биомасса олиш мумкин. Ҳар бир кесилган дарахтдан бир неча новда ўсиб чиқиб ундан кўп йиллар мобайнида энергия манбаи сифатида фойдаланиш имконини беради.

Шу билан бирга, электр станциялари, заводларда тобора кенг қўлланилаётган ёғоч чиндиларидан тайёрланадиган қаттиқ ёқилги кўринишидаги пеллетлар ишлаб чиқаришда павловниянинг аҳамияти катта.

Пеллетлар ёғиш жараёнида ўзининг тежамкорлиги ва юқори иссиқлик самарадорлиги билан ажралиб туради. Павловния пеллетлари эса ёндирилганда ҳавога карбонат ангидрид ҳамда олтингурут миқдори бирмунча кам чиқади. Ҳаводаги намликни ўзига тортиб олмайдиган бундай қаттиқ ёқилгининг юқори иссиқлик ўтказувчанлиги вақт ўтиши билан ҳам камайиб кетмайди.

Дарахт наинки ўтин ёки ёғоч сифатида, балки ернинг ҳолатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чўқур илдири отадиган павловния ердаги нитрат, оғир металл ва бошқа элементларни ютиб, ернинг таркиби яхшиланишига хизмат қилади. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда унумсиз ерларда павловния плантациялари барпо этилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Павловниянинг йирик барглари жониворларни озуқа билан таъминлашда қўл келади. Унинг таркибида азот, темир, рух, марганец сингари 8 аминокислота ва микроэлемент ўй ҳайвонларининг ўсишини таъминлайди.

Дарахтнинг барг ва гулларини бронхит, йўтал каби касалликларни даволашда қўллаш мумкин. Меваси қон босимини пасайтиришга ёрдамлашади. Гулларининг хушбўйлиги атир-уна ишлаб чиқарувчиларнинг диққатини тортмоқда.

Павловния енгил, шаффоф ва хушбўй асали билан ҳам ном қозонган. Бир неча ойлик гуллаш мавсумида битта асалари оиласи 10-15 килограмм нектар йиғиши мумкин. Бу асал хуштаъмлиги баробарида ўпка ва нафас олиш тизимлари касалликларини даволашда, ўт қоғи, жигар ва овқат ҳазм қилиш аъзолари ишлашини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган мазкур инновацион технология келгусида қишлоқ ҳўжалигини биомасса, биоёғит, озуқа, асал, мебель саноатини ёғоч ва пардозлаш материаллари, атроф-муҳит софлигини таъминлайдиган, шаҳар ва қишлоқларимиз чиройига чирой қўшадиган нодир дарахтнинг мамлакатимизда кўпайтирилишига хизмат қилади.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Парламент комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ)нинг 2014 йил ва 2015 йилнинг биринчи ярми учун ажратилган давлат субсидияси доирасидаги фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2014 йил ва 2015 йилнинг биринчи ярмида ажратилган давлат субсидияси доирасидаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланди.

ФЖШМҚМИ директори Ғолиб Абдукаримов институтнинг мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўмаклашиш соҳасида амалга оширган ишлари, эришилган натижалар ҳақида маъруза қилди. Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида институт томонидан фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши учун яратилган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Институтнинг мониторинг натижаларига кўра, маҳаллий ННТлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг турли дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки, хорижий нодавлат, ноҳуқумат ташкилотларнинг фаолияти юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланди.

Институт ўз фаолияти давомида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муҳим вазифаларни ҳал қилишда ННТлар роли ва аҳамиятини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада жойларда ҳамкор ташкилотлар билан бирга турли тарғибот тадбирлари, конференция, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ННТларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини самарали амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, жойлардаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва назоратини амалга оширишда ҳудудий ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масаласи ҳам институтнинг доимий эътиборида бўлди. Бу борада ҳудудлардаги босма нашрлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти турли йўналишлар бўйича мониторинг қилинди.

Ҳисобот даврида мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловлар, мазкур сиёсий жараёнларнинг барча босқичини ўрганиш ва таҳлил қилиш институт фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлди. ФЖШМҚМИ мутахассислари сайлов жараёни билан боғлиқ барча ишларда фаол иштирок этиб, сайлов кампаниясининг бориши тўғрисида тизимли мониторинг олиб борди. Шу билан бирга, сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, кенг жамоатчиликка сайлов қонунчилигини тушунтириш борасида Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этилди.

Институт томонидан фуқаролик жамияти шаклла-

Фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватланмоқда



нишида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, муаммоларини ўрганишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда ҳудудлар миқёсида ўрганилган материаллар, жияноятчилик ва ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ўрганиш натижалари таҳлил қилинди, экспертлар фикр-мулоҳазалари олинди. Тегишли ташкилотлар билан бирга тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

2015 йилнинг биринчи чорагида сиёсий партиялар фаолияти бўйича ҳам мониторинг ишлари олиб борилди. Бунда партиялар фаоллигини ошириш, партиялараро соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, ҳар бир партия ташкилотининг муқобил дастур ва лойиҳалар яратиш, сиёсий технологиялардан фойдаланиш ҳамда электрорат билан ишлаш борасидаги фаолияти эътиборга олинди. Шунингдек, партиялар нашрларида чоп этилаётган материаллар таҳлили, уларни партиялараро рақобат минбарига айлантириш масалалари институт мутахассислари диққат марказида бўлди. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга қўмак бериш мақсадида ҳар бир партия билан бирга республика ва вилоятлар миқёсида қатор конференция, давра суҳбати ҳамда семинар-тренинглари ўтказилган алоҳида эътироф этилди.

Шу ўринда айтиш керакки, бу каби сай-ҳаракатларни амалга оширишда ФЖШМҚМИнинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти ҳам алоҳида ўрин тутди. Биргина Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси жорий йилнинг биринчи ярмида ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тўрт кунлик семинар-тренинг ташкил этди. Унда Кенгаш сессиялари кўп тартибига ва доимий комиссиялар йиғилишларига масалалар олиб чиқиш, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан партия гуруҳларининг нуктаи назарини билдириш, депутатлик сўровини амалга ошириш, мансабдор шахс-

лар ахбороти ёки ҳисоботини эшитиш, фуқаролар муурожаати юзасидан тегишли ташкилот ва идораларга муурожаат қилиш каби ваколатлардан самарали фойдаланиш механизмлари муҳокама қилинди. Депутатлар фаолиятини кучайтириш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида ҳалқ вакиллари фаолиятида муайян кўрсаткичлар намоён бўлаётди. Масалан, 2014 йил давомида ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари сессиялар кўп тартибига 16 ташаббус-масала киритган бўлса, жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич 40 тани ташкил этади.

Йиғилишда ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа йўналишларда амалга оширган ишлари ҳам атрофича муҳокама қилинди. Шундан сўнг Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ҳисоботи эшитилди. Таъкидланганидек, уюшманинг Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган кўрик-танловлари кўлами, иштирокчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Биргина "Олтин қалам" миллий мукофоти 2009 йилдан бошлаб Жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштириб келинмоқда. Мазкур мукофот учун ўзининг бор ўтказилган бу йилги танловда бир неча янги йўналишлар ҳам қўшилди. Иштирокчилар ва тақдим этилган материаллар сони ортиши билан бирга тақдирланганлар учун ажратиладиган пул мукофотлари ва бошқа совғалар салмоғи ҳам ошди.

Йиғилишда ФЖШМҚМИ ҳамда уюшма тақдим этган маълумотлар атрофича муҳокама қилинди. Парламент комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлиф-тавсияларини билдирдилар.

Мухтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Кўхна, аммо қадриятга айланмаган анъана

ёхуд катта маблағ илинжида мурасасиз баҳс



“Бу зарарли эрмак: у томошабиннинг кўнглини хижил қилади. Одамларни жониворларнинг қийноғидан роҳатланишга ўргатади. Беш киши бўлиб, битта буқага ташланмишга фақат кўрқоқларгина қодир! Ва бу томошабинларни фақат кўрқоқликка ўргатади. Буқа ҳалок бўлади, одамлар эса яшашда давом этаверишади...” Бу машҳур инглиз ёзувчиси Жек Лондоннинг коррида (“буқалар жанги”) номли испан миллий мусобақасига берган баҳоси. Аслида ҳам шундайми? Коррида ўзи нима? Уни ташкил этиш учун томоша қилишдан мақсад-муддао не?!

КОРРИДА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

XVIII асрда Испаниянинг шимолий қисмида бир гуруҳ олимлар томонидан унча катта бўлмаган қабр тоши топилди. Унда одамнинг қилим ва қалқон воситасида буқа билан жанг қилаётгани тасвирланган эди. Эразмиздан аввалги I асрга оид мазкур топилма коррида қадим замонлардан буюн инсониятга маълум эканидан далолат. Аксарият тарихчилар буқалар билан жанг диний ҳусусиятга эга, деган фикрни илгари суради. Гап шундаки, бир пайтлар Пиреней ярим оролида ибер қабиласи яшаган. Улар буқани муқаддас деб ҳисоблашган. Шу боис буқаларни ўлдирish диний расм-русумларга кўра қурбонлик келтириш бўлган. Уни фақат руҳонийлар амалга оширган.

VIII асрдан бошлаб буқалар жанги диний маросимларнинг бир бўлаги эмас, аксинча оммавий эрмакка айлана борди. Ришлар шу вақтдан бошлаб буқа билан от устида жанг қила бошлади. Ўша даврларда бирор-бир байрам корридасиз ўтмасди. Мадридда бундай томошалар 1584 йилда қурилган майдон — Пласа Майорда ўтказилган. Мазкур майдонда мамлакатдаги энг муҳим воқеа, тантаналар ўтказилганини ҳисобга олсак, корриданнинг Испания учун қандай аҳамиятга эга эканини аңглаш қийин эмас. Бирок ўрта асрда коррида бир неча бор тақиклаб кўйилди. XVI асрда Рим папаси Пий V черков қистови остида буқалар жангини ман этишга қақиради. Аммо 1556-1598 йилларда ҳукмронлик қилган Филипп II корридани миллат руҳини кўтарувчи восита эканини рўқса қилиб, тақиқни бекор қилди. XVII аср ўрталарига келиб, шунчаки эрмак бўлиб келган коррида ўз қатъий қоидаларига эга ширк томошасига айланди. Тореолар буқалар билан жанг қилишни ўзларига касб қилиб олишди. Жатто жангари буқаларни боқадиган фермалар ташкил этила бошланди.

Франсиско Ромерони замонавий корриданнинг отаси деб аташади. Сабаби айнан у 1726 йилда буқаларнинг газабини келтиришда фойдаланиладиган мўлета — қизил матодан илк марта фойдаланган. Қолаверса, Ромеро буқа билан бўладиган жангини уч

босқич (терция)да бўлишини ҳам белгилаб берди. 1733 йилга келиб Испаниянинг Севилья шаҳрида буқалар жанги учун айлана шаклдаги махсус коррида майдони қурилган. Тузилишига кўра, майдон Рим гладиаторлари жанг ўтказадиган жойини эслатади. Коррида 1910-1920 йилларда янада оммалашди. Хуан Бельмонте барча даврнинг энг кучли торероси сифатида тан олинди: у 1919 йилги мавсумда 109 буқани таслим эта олган. Бу рекордни 1965 йилга қадар ҳеч ким янгилай олмаган. Бугун эса мазкур мусобақага қарши чиқувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

УЧ ТЕРЦИЯ — УЧ СИНОВ

Коррида испанчада “чопиш” (тўлиқ номи “corrida de toros” — “буқаларнинг чопиши”) маъносини билдиради. Унда иштирок этувчи матадор ва унинг ёрдамчилари пикадор ва бандерильеро — тореролар деб юритилади. Улар биргаликда бир жамоа (квадрильё)ни ташкил этади. Корридада 4-6 ёшли, вазни 410-460 килограммли махсус жангари буқалар қатнашади. Жанг уч босқич (терция)дан иборат. Биринчи терция — “найза” деб номланган. Босқич аввалида матадорнинг ёрдамчилари бир томони пушти, бир томони сариқ рангли мато (капоте) билан буқани кутиб олиб, унинг асабини “қитқилайди”. Аренада иккита ок чизик тортилган бўлиб, пикадор чизик ташқарисида буқанинг ҳужумига тайёрланиб туради. Матадор ёрдамчиларидан эса чизик ичкарисида пикадорга ҳужум қилгунига қадар буқани ушлаб туриш талаб этилади. Кўйиб юборилган буқа от устидаги пикадорга ҳужум қилади. Мазкур босқичда пикадор буқанинг бўйин мускулларини заифлаштириш, унинг ориққа нисбатан бардошини синаш мақсадидан от устидан туриб танасига махсус узун найза ниқтаб, енгил жароҳатлайди. Бу босқич томондан буқанинг газабини пасайтириб, кейинги босқичда матадорга жароҳат етказиш хавфлини камайтиради. Отнинг танасига кийгизилган махсус ҳимоя воситаси буқанинг зарбаларини бироз енгиллаштириш имконини беради. Коррида мусобақалари пайтида отлар камдан-кам ҳолда жароҳат олади. Баъзан буқа отни иргитиб юборган ҳолатлар ҳам учрайди. Айнан шу ҳолат пикадорларнинг жароҳат олишига сабаб бўлади.

Иккинчи терцияда бандерильеролар буқанинг танасига бир неча махсус кичик найзачалар (бандерилья)ни санчади. Мақсад — буқа танасини батамом ҳолдан тойдирмаган ҳолда жароҳат етказиб, газаблантириш. Баъзида тишли таёқчаларни матадорларнинг ўзи санчади. Борди-ю буқанинг жаҳли қичмаса ёки бандерильерога ҳужум қилмаса, у ҳолда “қора бандерилья”дан фойдаланилади. У оғир, узун ва тишининг ҳажми бўйича одатий бандерильяга нисбатан каттароқ.

Учинчи терция “ўлим” босқичи деб номланади. Унда буқалар жангининг асосий иштирокчиси — матадор қатнашади. Матадор испанча “буқани ўлдирувчи” деган маънони аңлатади. Ёш буқаларни ўлдирувчи матадорлар

новильеро деб юритилади. Мазкур босқич мусобақанинг кульминацияси бўлиб, унда буқа билан мўлета ҳамда ханжар воситасида олишалади. Аввал матадор мўлета — 50 сантиметрли ёғоч таёқчага тортилган қизил ярқираган матони ўйнатиб, ҳолдан тойган жониворнинг яна асабига тегади. Шундан сўнг матадор буқани ўн дақиқа ичида ўлдирishi лозим. Мусобақа регламентига кўра, матадор ханжарни буқанинг бўйинининг устига — умуртқалари орасига санчиб олиши керак. Одатда матадорлар буқанинг кулашига қадар 3-4 марта ханжар санчиб олади. Буни қутурган буқа билан курашаётган бир пайтда амалга ошириш мушкул. Маҳоратли матадор биринчи уринишнинг ўзидаёқ жониворни қўлата олади. Бордию матадор бир енгил ҳаракат билан буқани тиз чўқтира олмаса ёки ёрдамчилари ёнига ёрдам сўраб қочса, у ўз ишини бажара олмаса, деб ҳисобланади. Матадорни мухлислар қарсаклар ўрнига хуштаклар билан “сыйлайди”.

Агар буқа қийноқларга қарамай тинимсиз курашаверса, мухлислар арена президентида жониворнинг ҳаётини сақлаб қолишни сўраб мурожаат қилиши ҳам мумкин. Шунда арена раҳбари буқани “авф” этади. Буқа эса асир сифатида сақланади. Бирок буқа бордию матадорнинг ўлимига сабаб бўлса, уни ҳар қандай ҳолда ҳам омон қолдиришмайди. “Авф” — корриданинг асосий мақсади. Бу кўп жиҳатдан матадорнинг буқа билан қандай олишуви ва бу орқали арена президенти ҳамда мухлисларнинг “ҳиммати”га сазовор бўлишига боғлиқ. Ўз ишини қойилмақом бажарган матадор муносиб тақдирланади. Агар томошабинлар оқ латгани кўрсатган ҳолда арена раҳбаридан матадор муносиб иштирок этганини маълум қилса, соврин сифатида унга буқанинг бир қулоғи узиб берилади. Борди-ю матадорнинг қийиши томошабинга ҳам, арена президентига ҳам маъқул келса, у ҳолда унга буқанинг икки қулоғи насиб этади. Агар чиқиш юксак даражада баҳоланса, матадорга қўшимча тарзда буқанинг думи ҳам тақдим этилиши мумкин. Шундан сўнг матадор мухлислар олқиши остида аренини бир неча маротаба айланиб чиқади.

ТАҚИҚКА УЧРАЁТГАН ТОМОША

Коррида — охири фожа билан яқунланган мусобақа. Унда матадорнинг қийиб чиққан байрамон ва башанг либоси аслида алдамчи ҳолатдир. Қолаверса, у ҳеч бир жиҳати билан инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилларига тўғри келмайди. Мисол учун, жониворнинг кўзини қамаштириш учун мусобақалар олдидан буқалар махсус қоронғу жойларда сақланади. Баъзида буқанинг кўриш қобилиятини пасайтириш учун уларнинг кўзларига вазелин суртилади. Мусобақагача буқага бир неча кун давомида сув берилмайди. Баъзан жанглор олдидан ханжар билан буқанинг бўйин соҳасига қаттиқ зарбалар берилади. Бечора буқа бўйини бура олмай қолади. Баъзида эса буқанинг оёқ пайлари кесиб

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

25 киши бедарак йўқолган

“Этау” тўфонининг ҳаракатга келиши оқибатида сўнгги уч кеча-кундузда Япониянинг марказий ҳамда шимолий-шарқий туманларида 700 миллиметр ёғин тушди. Бу эса кучли сув тошқинини юзага келтирди.


Оқибатда авто-мобиль ишлаб чиқарувчи “Toyota Motor” корпорацияси Япониядаги 3 заводида ёғиб қўйишга мажбур бўлди. Айни вақтда Мияги туманида 2 завод ва Иватуманида битта завод фаолияти тўхтатилган. Кучли ёмғирдан кейин Сибугава дарёсининг ўз қирғоғидан топиши Осаки шаҳри кўчаларини сувга тўлдирди. Дзёсо шаҳрида эса Кингува дарёсининг топиши туфайли 25 киши бедарак йўқолган. Мазкур шаҳарда 32 квадрат километр майдон сув остида қолган ва 7 мингдан ортиқ уй шикасталанди. Тўфон Ибраки ва Тотиги туманларига ҳам талофат етказди.



Монблан нега пасайди?


Европа қитъасининг энг баланд нуқтаси, Альп тоғларининг энг баланд чўққиси — Монблан икки йилда 1,30 сантиметрга пасайган.

Экспертлар ғуруҳининг сўнгги ўлчов ишларидан сўнг кўхна қитъаниннг энг баланд нуқтасининг баландлиги 4 минг 808 метр 73 сантиметрни ташкил этаётгани аниқланди. Гап шундаки, чўққининг баландлиги кўп жиҳатдан Альп тоғларида қорнинг қанча микдорда ёғишига боғлиқ. Ёнингарилик мўл бўлиб, шамол кам кузатилса, Монблан пасаймайди, аксинча ўз баландлигини сақлаб қолади.



Чўнтак компютери

“Asus” компанияси “Asus VivoStick” кичик компютерлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.



Маълум қилинишича, мазкур компютерлар “Intel Computer Stick” компаниясининг ана шундай махсус-лотлари билан бемалол рақобатлаша олади. Мазкур қурилма монитор ёки телевизорга уланади, рисоладаги компютер каби ишлай олади. “Чўнтак компютери” Windows 10 тизимида ишлайди. “Asus VivoStick” қурилмаси 2 герабайт оператив хотира ҳамда 32 гигабайт дискли хотира билан таъминланиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, қурилмага 2 USB-улагич ўрнатилиши, унда қулоқчин учун ҳам уланishi қисми бўлиши маълум қилинган. Қурилманинг қўриниши узунчоқ флешкани эслатади ва узунлиги 13,8 сантиметрни ташкил этади. АҚШ бозорида “Asus VivoStick”нинг нархи 129 доллар бўлиши кутилмоқда. Фақат унинг қачон сотувга чиқарилиши номаълум.

Рангин дунё

Кольмар — Франциянинг шимолий-шарқидида жойлашган Эльзас минтақасининг чиройли ва кўркем шаҳарларидан. Бу қадимий шаҳарни оқиқ осмон остидаги музей деб ҳам аташади. Қадимий кўча ва кўприклар, барокко, рококо, готика, классицизм, модерни ва постмодерни услубида қурилган уйлар, кўхна тош бинолар ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солиши аниқ.

Кольмар Франциянинг энг қуруқ минтақасида жойлашган шаҳарларидан бўлгани учун бу ерда узумчилик яхши ривожланган. Шу боис шаҳар вино ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Хар йили август ойида шаҳарда вино байрами ўтказилади. Қолаверса, мунтазам ўтказиладиган жаз ҳамда кинофестиваллари томоша қилиш учун бу ерга дунёнинг турли минтақаларидан кўплаб санъат ихлосмандлари ташриф буюради.



Шаҳарнинг асосий музейи — Унтерлинден. Бу ерда турли даврларга оид ноёб экспонатлар сақланади. Музей XIII асрда бунёд этилган бўлиб, Доминикан монастрлиги ичида фаолият

Кольмар — кичик Венеция

юритади. Бу ерда сақланувчи ноёб экспонатлар қаторидан таникли немис рассоми Маттиас Грюневальднинг “Изенгейм алтари” асари ҳам жой олган. Музейда турли тасвирий санъат намуналари, қурол-ярқоқлар, археологик топилмалар, қадимий мебеллар ҳам жой олган. Кольмар Бартольд музейи билан ҳам машҳур. Мазкур муассаса машҳур хайкалтарош Фредерико Бартольд хотирасига бағишлаб қурилган. Музейда турли расмлар, хайкаллар, Бартольдига тегишли буюмлар ва мебеллар сақланади. Музейнинг айнан Кольмар шаҳрида ташкил этилгани бежиз эмас. Гап шундаки, рассом ва архитектор Бартольд шу шаҳарда тутилган. Бартольд ясаган, Нью-Йорк шаҳрида ўрнатилган Озодлик хайкали нафақат шаҳарнинг, балки бутун океан орти мамлакатининг чинакам рамзига айланган. Балиқчилар даҳаси яқинида эса

1859 йилда ташкил этилган тарих ва этнография музейи жойлашган. Болалар билан таширф буюрган сайёҳларга шаҳардаги Кўғирчоқлар музейи аниқ муддао. Музейда турли экспонатлар билан бирга, дастлабки Барби кўғирчоғи ҳам жой олган.

Муқаддас Мартин — шаҳарнинг асосий ибодатхонаси. Черков XIII асрда қурилган бўлиб, ўз вақтида ёнғиндан жиддий талофат қурган. Диний муассасанинг ичи хайкаллар билан безатилган. Ўғирлаб кетилгунига қадар бир пайтлар бу ерда 1473 йилда Мартин Шонгауэр чизган “Атиргул шийпонидидаги Мадонна” асари ҳам сақланган. Мазкур тасвирий санъат намунаси кейинчалик Лион шаҳридан топилади. Ҳозирги кунда мазкур нодир асар шаҳарнинг Доминикан черковида сақланмоқда.

Муқаддас Матфей черкови ҳам шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан. Бу ерда мунтазам равишда халқаро Кольмар фестивали ўтказиб келинади. Шаҳар

қўрқига кўрк қўшиб турган бинолардан саналувчи яна бир бино XVII асрда рейн ренессанси услубида қурилган бўлиб, бир пайтлар бу ерда вино биржаси фаолият юритган. Бугун эса бу ерда очилган ресторан ҳамда меҳмонхона сайёҳлар учун хизмат кўрсатиб келмоқда. Флорент уйи эса 1537 йилда Людовик Шереро ташаббуси билан қурилган бўлиб, шаҳарнинг қадимий иншоотларидан саналади.

“Petite Venise” даҳаси Лаш дарёсининг шундоқ ён бағрида жойлашган бўлиб, шаҳарнинг қўркем масканларидан биридир. Мазкур даҳада бир пайтлар полизчилар, балиқчилар истикомат қилган. Кольмар бозори эса Эльзасда етиштирилган сархил мевалари билан ном таратган. Лаш дарёси бўйида XIV-XIX асрлар оралиғида қурилган уйлар, турли жамоат бинолари тизилиб тургани учун Кольмарни “кичик Венеция” ёки Франция Венецияси деб ҳам аташади.

Саҳифани “Milliy tiklanish” мухбири Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади

Рассом ижодхонасида

Миллий тимсоллар тарғиботчиси



Қўлида найза ва қалқон тутган йигит. Тор чалаётган аёл. Йигит кўзлари ерга қадалган. Аёл олдида тиз чўккан. Аёлнинг ерга қадалган нигоҳларида ўзбекона ибодат-ҳаёти муҳасамма. У тор чалиб, ёрғини янги зафарларга ундамоқда. Тепадаги ой — аёлининг қалб тугғичи, орзу, умид ва ишонч тимсоли...

Бу — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқовнинг "Ватан ҳақида қўшиқ" асаридан олинган илк таассурот.

Рассом асарларида миллий колорит устуворлиги яққол сезилиб туради.

— Ўзбек рассомларининг ҳам бойлиги, ҳам омади уларнинг Ўзбекистонда туғилганида, — дейди ЎзМТДП аъзоси, таниқли мўйқалам устаси Ортиқали Қозоқов. — Негаки, ўлкамиз турфа ранглар, бетактор манзараларга бой. Тўрт фасл ҳам тугал давом этади. Бундай гўзаллик ҳар қандай одами кўлга мўйқалам олишга ўндайди. Шунинг учун ҳам хориқлик ижодкорлар бизга ҳавас билан қарашади. Чет эл сафарларида бўлганимда ҳам дарров табиат қўйнига олтанман. Бир гал Англияда энди берилиб сурат чизаётганимда куёш бирдан йўқолиб қолди. Чунки Англияда куёш фақат уч соатгина нур сочар экан. Шу сабабдан ҳам Фарб тасвирий санъатида қора ва қулранг бўёқлар кўп учрайди. Бизда эса, ранглар турфа ва хилма-хил бўлиб, ҳар бири ўзига хос фалсафий маъно ташийди. Гўзал табиатимиз, бугунги ободлик, юртимиз жамоли — биз рассомлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи. Бунақа ижод завқини ҳеч жойдан топа олмаيمان.

Мусаввирнинг табиат ва ижод ҳақидаги ёниқ сўзларини эшитиб, асарларига разм со-

ламан: Самарқанд, Хоразм обидалари... Улар кўринишида гарчи кўп жиҳатдан уйғунлик бўлса-да бироқ бўёқлари ўзига хос ва бетактор. Ҳатто ўша худуднинг иқлими ҳам яққол намоён бўлади.

Рассом ижодида туркумлар асосий ўрин тутди: бир мавзуда олти-еттитагача асар чизилган. Она руҳиятига бағишланган "Бегубор оналик", "Ўзбек мадоннаси", иштироқ ифодаси бўлган "Табиат ва иштиро", "Икки иштиро", "Тегирмон", "Ҳаёт чигирини", портрет жанрида "Пахтакор Манзура", "Соҳибжамол мома", гуллар тасвирланган "Настарин", "Орхидея", "Лола қизғалдоқлар", натюрморт жанридаги "Куз неъматлари", "Табиат манзаралари", "Қамчиқ довони", тарихий шахслар тасвирланган "Чўлпон", "Гавҳаршодбегим", "Бибиҳоним", ишқ ва муҳаббатни тараннум этган "Ишқ сенинг асирингман", "Қадамнинг гуллар очилсин", табиат билан боғлиқ фалсафий "Суллола", "Муножот", "Шарқ келинчаги", "Хаёл" ва "Вақт" каби тақдорланмас композициялар ана шулар жумласидандир.

Мусаввир ижодида натюрморт ва пейзаж жанри етакчилик қилади. Авангард услуби ҳам кенг ўрин олган.

Рассом асарларида ой, анор, нақш ва тақинчоқ тимсоллари кўп учрайди.

— Миллий услуб ва рамздаги асарларимизни бошқа миллат мусаввирлари ижод маҳсулидан осон фарқлаш мумкин, —

дейди рассом. — Чунки бизнинг ўзимизга хос миллий рамзларимиз бор: олма — муҳаббат, анор — оила, балиқ — ҳалоллик тимсоли. Масалан, Хитой рассоми муҳаббатни ифодалашда асосан, гуллардан, дархат баргларида фойдаланади. Бизнинг миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, рамзларимиз кеча пайдо бўлган ёшакланган эмас. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек рассомлари қадимий миллий қадриятлар бўлоғидан сув ичган. Уларнинг асарларида миллий тимсол ва рамзлар нафаси уфуриб туради.

Ортиқали Қозоқов ижодида аёл образи устувор. Бу бежиз эмас. Чунки аёл гўзаллик, нафосат, ибод, дунёнинг бардавомлиги тимсоли. Ижодкорнинг "Шарқ келинчаги", "Ой олдида учрашув" "Ҳаётнинг бошланиши", "Опа-сингиллар" каби асарлари ана шулар жумласидандир. Мусаввирнинг ўзбек келинчаги тасвирланган асарини кузатиб, миллий безаклар, қош-кўзларини ним ёпиб турган тиллақоши, миллий либослардан беихтиёр завқ туяси. Асарда ранглар жиҳоси байрамона кайфиятни ифодалаган бўлса, келинчаkning ерга қадалган нигоҳларида миллатимизга хос ибод, ор-номус ёрқин акс этган. Унинг бармоқлари орасидаги оқ аттиргул поэтика орзу-ниятлар тимсолидир. Мусаввир шу гул воситасида янги ҳаёт оstonасида келинчака эзгу тилалар билдираётгандек гўё.

"Ҳаётнинг бошланиши" асаридида киз бошида турли буюм ва ҳолатлар тасвирланган. Бу инсон ҳаёт йўли раван эмаслиги, тўсиқларни фақат қатъият, ақл, ишонч ва тафаккур билан енгиш мумкинлигини англатади. Қизнинг гавдаси тик, юзи ёрқин, нигоҳлари теран.

"Келажақ билан суҳбат" асарини мусаввирнинг ўзи шундай изоҳлайди: "Бундан бир неча йил аввал юртимиз бўйлаб қилган сафаримда, тоғ пайти чайладан уйқусираб чиққан бола йиғлаб онасини қидира бошлади, орадан кўп ўтмай ёш бола бирдан жим бўлиб пурвиқор тоғларга термулиб қолди. Уни жим кузатар экан-



ман, боланинг узоқларга тикланган, ҳаёлга чўмган нигоҳларида унинг ёрқин келажагини яққол тасаввур қилдим.

Мана, бугун шундай қўнларга етиб келдик. Юртимизда ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" марказлари, мактабларда дарсдан ташқари рангтасвир йўналишида тўғра рақс мунтазам ишлаб турибди. Натижада, ёшларимиз санъат йўналишида юртимиз ва халқаро кўрик-танловларда муносиб қатнашиб келмоқда. Уларнинг ижодини кузатиб, янги гўя ва йўналишларни илғайсиз, худди улардек қайта ёш бўлиб қолгингиз келадими."

Мусаввирнинг сўнгги йилларидаги асарларида бунёдкорлик, ҳар жабҳада халқимиз эришяётган ютуқ ва марралар тасвири устувор. Туркум асарларда миллий спортимиз — ўзбек кураши

бор бўй-баста билан акс этган. Уларни кузатиб, корейлик санъат илҳомини Квон Санг "Ортиқали Қозоқовнинг асарларини томоша қилиб, Ўзбекистон гўзаллигининг барча қирраларини кўриш, бой тарихи, анъана ва маданиятини ўрганиш мумкин", деб бежиз эътироф этмаганига яна бир бор амин бўласиз.

Чинакам иқтидор, самимий туйғулар соҳиби Ортиқали Қозоқов Камолитдин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга сабоқ беради. "Маданият ва маърифат" телеканалда тасвирий санъат тарғиботида қаратилган "Мўйқалам мўйқазалари" кўрсатувига муаллифлик қилади. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси. Дарвоқе, мусаввир ижоди том маънода ЎзМТДП дастурий мақсад-гояларига уйғун ва ҳаммадан.

Мусаввир шахсий кўргазмаси нафақат юртимиз, балки қатор хорижий мамлакатлар — кўргазмаларидан ўрин олган. Унинг асарлари Казерта (2014 йил), Борнмут (2012 йил), Инчон (2012 йил), Салоники (2013 йил) каби шаҳарларда ҳам кенг намоёйиш қилинган. Рассом яратган асарлар хорижий давлатлар музейлари, бадиий галерея ва хусусий тўпламлардан ўрин олган. "Ўзбектелефилм" рассом ижодида бағишлаб ҳужжатли телефилм тайёрлаган, юртимиз ва хорижда асарларидан иборат каталоглар чоп этилган.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" муҳбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Бақлажон — дармони жон

Бақлажон бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг ватани — Хиндистон. Шу ердан VII-VIII асрларда Марказий Осиёга, XIII-XIV асрларда эса Европа, Хитой ва Японияда тарқалган. Одатда июль-сентябрь ойларида пишиб етилади.

Бақлажоннинг таркибида дағал тўқима (клетчатка), кальций, калий, темир, фосфор, мис, магний, рух, кобальт, марганец, алюминий каби минераллар, РР, В1, В2, А витаминлари, ошловчи модда, углевод, оксил, ёғ, табиий шакар, органик кислоталар мавжуд. Бақлажон тўйимлилиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб туради. Айниқса, пазанда бекажонлар уни тухум ва помидор билан аралаштириб мазали таом тайёрлашади. Бироқ мутахассислар бақлажонни меъёрида истеъмол қилишни тавсия этади. Сабаби унинг ҳаддан зиёд истеъмоли жигар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли бақлажондан бошқа сабзавотлар билан бирга фойдаланиш, икра ёки турли салатлар тайёрлаш тавсия этилади.

Бақлажон беназир шифобахш хусусиятларга эга. Ундан турли парҳез таомлар тайёрлаш мумкин. У ортқича вазили кишиларга тавсия қилинади, организмдан ортқича ва зарарли холестеринни чиқариб ташлайди. Юрак, буйрак ҳамда жигар фаолиятига ижобий таъсир этади. Ичакларни тозалаш, ўт йўллари яхшилади. Сиеҳранг бақлажон қон яратиш тизими (суяк қўмиги) ва талоқ ишини меъёрга солади. Камқон беморларнинг организмидида қизил қон таначалари ҳосил бўлишига ёрдам беради. Шу сабабли гемоглобин меъёрга келади. Қолаверса, қандли диабет билан оғриган беморларда қондаги қанд миқдорини камайтиради. Шунингдек, бақлажон бўғимлар оғригини ҳам фойдали. Иммуни-тетни ошириш, камқонлики даволаши ва таркибида фолат кислотаси мавжудлиги ҳисобга олиниб, ҳомиладор аёлларга ҳам тавсия этилади. Аммо улар бақлажонни қайнатиб ёки шарбати билан истеъмол қилганлари маъқул. Чунки қовурилгани осон ҳазм бўлмаслиги мумкин.

БИЛАСИЗМИ?

→ Энг очоқат қуш — қолибри. Улар ҳар 10 дақиқада овқатланади ва кун бўйи ўз вазнидан икки баравар зиёд озиқланади.
→ Антарктида устидан вертолётда учиб тақиқланган. Чунки унга қармоқчи бўлган пингвинлар чалқанча йиқилиб тушади ва қайтиб ўнғлана олмайд.
→ Чигиртка олд оёқлари билан эшитида. Илон эса тили билан товуш тебранишларини ҳис этади.

ТУРФА ОЛАМ

"Юлдуз одами"

Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида жойлашган горлардан бирида Лил Бергер бошчилигидаги олимлар бугунга қадар фанга номаълум бўлган, бундан қарийб 3 миллион йил аввал яшаган қадимги одам қолдиқларини топишди.

Унга "Homo naledi" яъни "Юлдуз одами" деб ном берилди. Олимлар фикрича, мазкур туркумдаги одамлар оловдан фойдаланишни билганлар. Топилган суяклар бу туркумга мансуб қадимий одамларнинг бўйи ўртача 1,5 метр, вазни 45 килограмм бўлганидан далолат беради. Миясининг шакли ҳозирги одамникига ўхшаса-да, бироқ жуда кичик — тахминан забардаст кишининг муштига тенг бўлган. Олимлар қазилма ишлари давомида жами 15 одам скелетини топишга муваффақ бўлишди.

Какао хотирани мустаҳкамлайди

АҚШнинг Гарвард университети тадқиқотчилари какао таркибида флавоноид моддаси борлигини аниқлашди.

Бу борада олимлар ўрта ёшли кўнгиллар иштирокида тадқиқот олиб борди. Иштирокчилар бир ой мобайнида ҳар кун икки стакан миқдоридида қайноқ какао истеъмол қилган. Тадқиқот ҳар уч нафар қатнашчидан бирининг мия фаолиятида қон айланиш жараёни яхшиланишини тасдиқлади. Олимлар фикрича, қайноқ какао мия касалликлари ривожланишини секинлаштиради, асаб тизими билан боғлиқ касалликлар хавфини камайтиради. Унинг таркибидаги флавоноид моддаси қон-томир тизими хасталиклари, қонда тромб (қон лахта) пайдо бўлиши, қон босимининг кўтарилиши ва холестерин миқдори ортиб кетишининг олдини олишда ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, какао хотирани ҳам мустаҳкамлайди.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади

"GOPRO MOBILE" хусусий корхонаси ўз мулкчи шаклини "GOPRO MOBILE" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирганини маълум қилади. Мурожаат учун телефон: +99890 976-73-91

Матбуот анжумани

Вақтли матбуот нашрларига 2016 йил обунасини уюштиришда муштарийларга янада қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гажум жойлардаги 840 "Матбуот" дўкони воситасида обуна ташкил этилади. "Матбуот тарқатувчи" ва "Ўзбекистон почтаси" жойлардаги бўлиналари, барча алоқа бўлимида обуна давом этмоқда.

Бу ҳақда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг Миллий матбуот марказида босма оммавий ахборот воситаларини тарқатишни янада ривожлантириш, обуна нархларини пасайтириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишлаб ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди. Унда компания масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори ўринбосари Махмуд Орипов жорий йилги обуна мавсумини самарали ташкил этиш, мамлакатимизда вақтли матбуот нашрларини обуначиларга тез ва сифатли етказиб бе-

Обуна мавсуми бошланди

риш, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

— Компания тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини обуначиларга тезкор етказиш, обуна нархларини пасайтириш, қўшимча хизматлар сифатини такомиллаштиришни таъминлаш ҳамда тизимни ривожлантириш мақсадида махсус дастур қабул қилинган, — деди М.Орипов. — Унга асосан, тизимдаги матбуот тарқатиш шохобчаларининг 716 таси жорий, 181 таси капитал таъмирланди. Жойларда маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гажум жойларда 146 шохобча ҳамда Тошкент шаҳрида 93 дон аяги типдаги матбуот дўкони жойлаштирилди. Компания тизимидаги корхоналарда фойдаланилаётган автоматналардан 66 таси таъмирланди, 35 янги автотранспорт сотиб олинди. Йил давомида яна янги 30 автомашина харид қилинади.

Эътиборлиси, жорий йилда компаниянинг обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлари сезиларли даражада пасайтирилди. "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг даврий нашрларни вилот марказларига етказиб бериш тарифларининг ҳам ўтган йилги миқдори сақланиб қолинди. 2016 йил учун обуна каталоглари шакллантирилганда ижтимоий-сиёсий ва болалар нашрларига имтиёзлар оширилди.

Яна бир муҳим жиҳат: муштарийлар компаниянинг расмий веб-сайти (www.akmt.uz) орқали ҳам даврий нашрларга обуна бўлишлари мумкин. Сайтда аҳоли ва ташкилотлар учун обуна каталогининг электрон кўриниши жойлаштирилган. Обуна уюштириш ва ҳисоб-китоб ишларини "Web-Sum", "Интернет банкинг", "CLICK" тўлов тизимлари орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бу йил миқозларга янада

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ахор АХМЕДОВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари

фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир бироини ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғоқ бичими А-2

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй



MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 925, Адади — 5770. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. **Навбатчи муҳаррир:** Дилфуза РЎЗИЕВА **Навбатчи:** Шахзод ҒАФФОРОВ **Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ **Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@umail.uz **Босишга топшириш вақти** — 21.30. **Топширилди** — 23.40. **ЎЗА яқуни** — 21.28



1 2 3 4 5